БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИЙЛ ЧИҚИШИ
№ 23 (1285)
30 ЯНВАРЬ ЖУМА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БИР АСРДАН КЎПРОҚ ВАҚТ ИЛГАРИ ЙШЧИЛАР СИНФИНИНГ УЛУҒ ЙЎЛБОШЧИ ВА УСТОЗЛАРИ МАРКС ВА ЭНГЕЛЬС МЕҲНАТКАШЛАРНИ ИЛМИЙ КОММУНИЗМНИНГ РЕВОЛЮЦИОН НАЗАРИЯСИ БИЛАН ҚУРОЛЛАНТИРДИЛАР. УЛМАС ЛЕНИН АНА ШУ ҒОЛИБ НАЗАРИЯНИ ЯНГИ ТАРИХИЙ ШАРОИТЛАРДА ИЖОДИЙ ТАРЗДА РИВОЖЛАНТИРДИ ВА БОЙИТДИ. ЛЕНИН КОММУНИСТИК ПАРТИЯМИЗНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРДИ ВА ЧИНИҚТИРДИ. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИШЧИЛАР СИНФИ, МЕҲНАТКАШЛАРИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯМИЗ РАҲБАРЛИГИДА УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРДИЛАР, СОЦИАЛИЗМ ҚУРДИЛАР ВА ЭНДИЛИКДА МУВАФФАҚИЯТЛИ СУРАТДА КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ БАРПО ҚИЛМОҚДАЛАР.

(КПСС XXI съездида ўртоқ Н. С. Хрущевнинг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида қилган докладидан).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

28 январь эрталабки мажлис

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXI съезди Катта Кремль саройида ўз ишини давом эттирмоқда. 28 январда ўртоқ **М. А. Суслов** раислигида очилган эрталабки мажлисда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида ўртоқ Н. С. Хрущев докладини муҳокама қилиш бошланди.

Сўз ўртоқ **Н. В. Подгорний**га берилади. У дедики, Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи қилган ҳақиқатан жуда катта ишларнинг натижалари ўртоқ Н. С. Хрущев докладида марксча-ленинча анализ қилиб берилди ва умумлаштирилди. Совет кишилари коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш даврига кирдилар. Мамлакатимиз экономикасини янада юксалтиришнинг чуқур мазмунли, жуда кенг миқёсдаги плани докладда ниҳоят даражада тўла ва равшанлик билан баён қилиб берилди. Шу билан бир қаторда етти йиллик планни муваффақиятли равишда амалга оширишни таъминлайдиган сиёсий ва ташкилий тадбирлар пухта ишлаб чиқилди. Ўртоқ Н. С. Хрущев доклади марксизм-ленинизм назариясини янада ривожлантиришга қўшилган қимматли ҳиссадир, назария билан практика бирлигининг ёркин намунасидир.

Совет кишилари партия томонидан қўйилган янги вазифаларнинг улуғлигини чуқур тушунадилар, мамлакатимиз коммунизмни муваффақиятли равишда қуриш учун бутун дунё меҳнаткашлари олдида ўз зиммаларидаги интернационал бурчни ва юксак масъулиятни англайдилар. Доклад тезисларини коммунистлар ва меҳнаткашларнинг йиғилишларида, конференцияларда, иттифоқчи республикалар коммунистик партияларининг съездларида чуқур ва ҳар томонлама муҳокама қилиш вақтида халқ мислсиз даражада активлик ва зўр ғайрат кўрсатди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, етти йиллик халқнинг жонажон, сидқидил билан бажарадиган иши бўлиб қолди, чунки у халқнинг истак ва орзуларини акс эттиради.

Украина Коммунистик партиясининг XX съезди ҳамма коммунистларнинг, бутун украин халқининг иродаси ва истакларини ифодалаб, Ўртоқ Н. С. Хрущев доклади тезисларини тўла равишда маъқуллади ва республика халқ хўжалигининг айрим тармоқларида етти йиллик топшириқлари муддатидан олдин, 5-6 йил ичида бажарилиши, қишлоқ хўжалиги соҳасида эса 5 йилда бажарилиши мумкин деб айтди.

Украина халқи республикамизнинг, бутун мамлакатнинг гуллаб-яшнаб бораётганлигини ҳамда етти йиллигининг улуғвор истиқболларини кўриб,— дейди ўртоқ Подгорний,— Маленков, Каганович, Молотов, Булганин ва Шепиловларнинг партияни ленинча бош йўлдан тойдиришга, коммунизм сари бораётган зафарли ҳаракатимизга тўсқинлик қилишга қаратилган разил, аслини олганда, хоинона уринишлари нақадар пуч эканлигига қайта-қайта қаноат ҳосил қилмоқда.

Нотиқ бу етти йилликда Украина халқ хўжалигининг ривожланиши ҳақида гапиради. Украинада саноат ялпи маҳсулотининг ҳажми 77 процент кўпаяди. Чўян, пўлат, прокат ишлаб чиқариш, темир руда, кўмир, газ чиқариш, электр қуввати ҳосил қилиш анча ошади. Маҳсулотнинг энг муҳим баъзи турларини ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳозирнинг ўзидаёқ Украина Европадаги энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олди, етти йиллик планни бажаргандан кейин эса улардан анча ўзиб кетади.

Мамлакат олдига қанд-шакар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш вазифаси қўйилган. Украинада қанд-шакар ишлаб чиқаришни етти йил ичида 3.7 миллион тоннадан 5,3 миллион тоннага етказиш мўлжалланади. Факат мана шу ўсишнинг ўзи 1957 йилда Францияда ишлаб чиқарилган бутун шакар маҳсулотидан ошиқроқ бўлади.

Сўнгра Ўртоқ Подгорний айтдики, мамлакатда жуда катта қўриқ ер массивлари ўзлаштирилаётганлиги муносабати билан Украина қишлоқ хўжалиги ўз йўналишини бирмунча ўзгартиради. Дон етиштиришни янада кўпайтириш билан бир қаторда чорвачилик ва техника экинлари маҳсулотларини етиштириш тағин ҳам тез суръатлар билан ривожлантирилади. Бу йўл иқтисодий жиҳатдан мақсадга энг мувофиқдир, давлатга, колхозларга ва колхозчиларга манфаатлидир.

Республикада ғалла ялпи ҳосилини 2,1 миллиард пудга етказмоқ учун ҳамма дон экинларининг ҳосилдорлигини ошириш биринчи даражадаги вазифадир. Бу вазифани бажаришда маккажўхори ҳал қилувчи роль ўйнайди. Маккажўхори экиладиган майдон 9-10 миллион гектарга етказилади ва барча дон экинлари экиладиган майдоннинг камида 50 процентини ташкил қилади. Қанд лавлаги ва кунгабоқар экиладиган майдон етти йил ичида 600 минг гектардан зиёдроқ миқдорда кўпайтирилади.

Кейинги йилларда Украина чорвачиликни ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришди. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулоти етиштириш жиҳатидан ақин йиллар ичида Қўшма Штатлардан ўзиб кетиш учун Совет Иттифоқи халқлари олиб бораётган курашга муносиб ҳисса қўшиш истаги билан тўлиб-тошмоқдалар. Украин халқи беш йил ичида ҳар юз гектарга ҳисоблаганда гўшт етиштиришда (сўйилган ҳолда) планда 1965 йилга мўлжалланган 91,5 центнер ўрнига камида 101 центнерга етказиш учун қизғин равишда ишга киришди. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда сўйилган гўштни ўтган йилда олинган 49 центнер ўрнига етти йилликнинг биринчи йилидаёқ 62 центнерга етказиш, сут етиштиришни эса 310 центнер ўрнига 362 центнерга етказиш мўлжалланди. Республиканинг кўп областларида — Харьков, Николаев, Днепропетровск, Хмельницкий, Запорожье, Житомир ва бошқа областларида—колхозларда ва совхозларда гўшт етиштириш бу йил қарийб икки баравар кўпайтирилади.

Етти йиллик планда республикада катта ҳажмда қурилиш ишларини бажариш кўзда тутилади. Шуни айтиб ўтиш кифоя қиладики, йирик саноат қурилишларидан ташқари, 100 миллион квадрат метр уй-жой майдонини қуриб битказишимиз керак. Ўртоқ Подгорний айтдики, колхоз қишлоқларини шаҳар типидаги обод ва аҳоли яшайдиган пунктларга айлантириш тўғрисида докладда қўйилган вазифа сиёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим ишдир. Украинада бу йилнинг ўзидаёқ мана шундай аҳоли яшайдиган пунктларни вужудга келтириш ишлари бошланади. Булар кейин бундай ишларни анча кенг миқёсда ўтказиш учун ўрнак бўлади.

Мамлакатимизда социализм тўла ғалаба қозонибгина қолмасдан, шу билан бирга узил-кесил ғалабага ҳам эришди деб ўртоқ Н. С. Хрущев докладида қилинган хулосаларни,—дейди ўртоқ Подгорний,— съездимиз ғоят хурсанд бўлиб ва фахрланиб кутиб олди ва ҳеч шубҳасиз, бутун партия, бутун совет халқи ҳам бу хулосаларни шу тахлитда кутиб олади. Мамлакатимиз шундай жуда катта муваффақиятларга эришганлигини ва олдимизда шу қадар зўр истиқболлар турганлигини кўздан кечирилганда коммунистик ва ишчи партияларни марксизм-ленинизм йўлидан тойдиришга беҳуда уринаётган югославиялик ревизионистларнинг зарарли фаолияти тағин ҳам жирканчоқ бўлиб кўринади. Бизнинг партиямиз, марксизм-ленинизм таълимотидан чекинаётган, бу таълимотни ревизия қилишга уринаётган кишиларнинг хаммасига қарши ҳамиша шафқатсиз курашиб келди ва бундан буён ҳам шафқатсиз кураша беради.

Буюк Ленин идеяларига содиқ бўлган Украина коммунистлари ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини, халқлар дўстлигини янада зўр бериб мустаҳкамлашни, украина халқида олижаноб совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми ҳисларини ривожлантиришни ўз вазифалари деб биладилар.

Ўртоқ Подгорний Украинанинг 1.280.000 коммунисти номидан, бутун украин халқи номидан КПСС XXI съездини ишонтириб, Украина республикаси меҳнаткашлари ўз зиммасига олган юксак мажбуриятлар шараф билан бажарилади, деди.

— Коммунистик қурилишнинг Ўртоқ Н. С. Хрущев докладида баён қилиб ўтилган жуда катта истиқболлари, — деди сўнгра сўзга чиққан Ўртоқ **В. И. Устинов** (Москва шаҳар партия ташкилоти), — улуғ Ватанимиз учун, партия учун, қаҳрамон совет халқимиз учун фахрланиш туйғуларини туғдирмоқда. Докладда баён этилган назарий хулосалар марксизм-ленинизмга қўшилган янги жуда катта ҳиссадир ва халқаро ревизионизмга берилган энг кучли зарбадир. Бу назарий хулосалар меҳнаткашларнинг коммунизм қуриш учун олиб бораётган курашида катта роль ўйнайди. Коммунистик партиянинг халқ хўжалигини ва, аввало, оғир саноатни жадал ривожлантиришга қаратилган мустаҳкам йўли янги етти йиллик планда ўзининг ёркин ифодасини топди. Бу йўл мамлакатимизнинг капитализм билан тинч иқтисодий мусобақада вақтдан энг кўп ютишини таъминлайди.

Янги планнинг ажойиб хусусияти яна шундан иборатки, бу планда меҳнаткашлар фаровонлигини ҳар томонлама юксалтириш кўзда тутилади. Москва шаҳар партия ташкилоти, пойтахт меҳнаткашлари мамлакатимизда коммунизмни кенг равишда қуриш программасини қизғин равишда маъқуллаб кутиб олдилар.

Москва саноати бу етти йил ичида янада ривожланади. Товар маҳсулотининг ҳажми қарийб бир ярим баравар кўпайтирилгани ҳолда, машинасозлик устун даражада ривожлантирилади.

Янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш негизида меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан ошириш маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган асосий фактордир. Пойтахт заводларида иш унуми юксак бўлган 1140 та янги типдаги станоклар, машиналар, мураккаб асбоблар ва агрегатларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши лозим. Мамлакатда чиқариладиган металл қирқиш станокларидан ҳаммасининг тахминан 10 проценти 1965 йилда пойтахт заводларида ишлаб чиқариладиган бўлади. Яқин йиллар ичида пойтахтдаги энг катта 27 та корхона, шунингдек бошқа заводлар ва фабрикаларнинг 139 та цехи ва участкаси комплекс равишда механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши лозим.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва янги техника билан қайта қуроллантириш билан бир қаторда уларни қисман кенгайтириш вазифаси қўйилмоқда. Бу эса, камроқ капитал маблағ сарфлаб ва анча қисқа муддатлар ичида маҳсулот чиқаришни анча кўпайтириш имкониятини беради. Шу билан бирга янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг бир неча баравар тезлаштирилади.

Илмий-текшириш муассасалари техникани тараққий эттириш вазифаларини ҳал қилишда катта роль ўйнайдилар. Бу муассасаларнинг кўпчилиги самарали ишлар қилмоқда. Бироқ, илмий-текшириш ишларини ташкил этишда камчиликлар ҳали кўп. Бу ишларни планлаштириш билан бир қанча ташкилотлар шуғулланмоқда, бу эса илмий кучларнинг сочилиб кетишига, давлат маблағларининг бефойда сарфланишига, институтларнинг экспериментал базасидан нотўғри фойдаланишга олиб келмоқда. Шу муносабат билан нотиқ бир-бирига ўхшаш баъзи илмий-текшириш институтларини бирлаштириш ва уларнинг фаолиятини бир-бирига уйғунлаштиришни яхшилаш масаласини кўяди.

Коммунизм қураётган совет кишилари учун моддий ва маънавий бойликлар яратиш тўғрисида партиямиз қилаётган доимий ғамхўрлик етти йиллик планда зўр куч билан ўзини кўрсатмоқда. Ўртоқ Устинов Москвада ўй-жой ва маданий-маиший бинолар қуришни янада ривожлантирмоқ учун партия ташкилоти мўлжаллаб қўйган тадбирларни бирма-бир айтиб берди. Бу етти йилликда пойтахтда 20 миллион квадрат метрга яқин уй-жой майдони қурилиши лозим. Демак, бутун совет ҳокимияти йилларида қурилганига қараганда анча кўп ёки революциядан олдин Москвада бўлган бутун уй-жой майдонининг ҳажмига қараганда икки баравар кўп уй-жой майдони қурилиши керак.

Ўртоқ Устинов қурилиш экономикаси масалаларига ўтхалиб айтдики, темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарадиган заводларга келаётган металл прокатларнинг деярли ҳаммаси нормадан каттароқ қилиб ишланган прокатлардан иборат бўлмоқда. Шу сабабли металлургия заводлари прокат етказиб бериш планини бу прокатнинг оғирлиги жиҳатидан бажарганлари ҳолда, метр билан ҳисоблаганда пўлат арматурани анча кам бермоқдалар. Қурилиш ишларининг ҳажми жуда катта бўлганлигини ҳисобга олганда, мана шундай қилишнинг ўзи фақат Москвадагина йилига тахминан 15 минг тонна металлни чиқитга чиқармоқда. Бундай металлни планлаштириш тартибини ўзгартириб, металлнинг миқдорини метр билан ўлчаш асосида планлаштириш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

— Мамлакатнинг бутун давлат ҳаётида, ижтимоий, хўжалик ва маданий ҳаётида кейинги йилларда партиянинг раҳбарлик роли тағин ҳам ошганлиги туфайли, — деди нотиқ, — социалистик Ватанимиз шундай муваффақиятларга эришди. Партия турмушнинг ленинча нормалари ва коллектив раҳбарлик принциплари тикланганлиги партия ташкилотлари фаолиятининг ҳамма томонларига самарали таъсир ўтказганлигини пойтахт коммунистлари конференцияларда ва йиғилишларда мамнуният билан қайд қилдилар. Совет кишиларининг онглилиги, меҳнат ва сиёсий активлиги ошди.

Москва шаҳар партия ташкилоти идеология ишларини яхшилаш, бу ишларни тағин ҳам конкрет, муайян мақсадга йўналтирилган ва ҳужжумкор бўлишини таъминлаш чораларини кўрмоқда. Биз меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлган адабиёт ва санъатдан тўлароқ фойдаланишимиз, ижодкор зиёлиларга кўпроқ ёрдам беришимиз лозим.

Пойтахт меҳнаткашлари, — деди пирозардида ўртоқ Устинов, — буюк етти йиллик планни ўзлари учун жонажон иш деб қабул қилдилар. Ўртоқ Устинов ишонтириб айтдики, шаҳар партия ташкилоти коммунистик қурилишнинг улуғ ишига муносиб ҳисса қўшади.

Ўртоқ **Д. С. Полянский**га сўз берилади. Кўп авлодларнинг илғор кишилари коммунизм тўғрисида фақат орзу қилар эдилар дейди, у. Кўп кишилар коммунизм учун ўз ҳаётларини фидо қилдилар. Эндиликда коммунизм узоқ келажакнинг орзуси эмас, балки юз миллионлаб меҳнаткашларнинг жонли ижодий иши бўлиб қолди. Коммунизмнинг ҳаётбахш идеялари планетамизнинг ҳамма қитъаларидаги одамларнинг қалбига тобора кўпроқ сингиб бормоқда.

Ўртоқ Полянский СССР даги саноат маҳсулотининг қарийб учдан икки қисмини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ярмидан кўпроғини ўз территориясида ишлаб чиқараётган Россия Федерацияси меҳнаткашлари коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишда катта роль ўйнашларини айтиб, Россия Федерациясининг етти йиллик плани билан боғлиқ бўлган масалаларга ва асосан, қишлоқ хўжалик масалаларига, республикадаги резервлар ва имкониятларга тўхталиб ўтади.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикада ҳам, — дейди у, — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг даражаси кейинги йилларда кескин равишда ошди. Бироқ, ҳозирги натижалар қишлоқ хўжалигини янада, тағин ҳам кенг миқёсда юксалтириш учун замин бўлди, холос. Н. С. Хрущев докладида уқтириб ўтилганидек, бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асоси бўлган дон етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш деҳқончилик соҳасида бундан буён ҳам якин йилларнинг асосий йўли бўлиб қолади. Шу билан бирликда, энда бошланган етти йилликда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва аввало, гўшт етиштиришни кўпайтириш энг муҳим проблемадир. Чорва моллар ва паррандалар сонини тез суръатлар билан кўпайтириш республикада гўшт етиштиришни 1965 йилда планда мўлжалланган 8,5 миллион тонна ўрнига 12 миллион тоннага етказишга имкон беради.

Биз, — дейди ўртоқ Полянский, — ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ғамини ейиш билан бирга, аввало, барча дон экинларининг ҳосилдорлигини оширишга ва доннинг ялпи ҳосилини кўпайтиришга ҳаракат қиламиз. Доннинг ялпи ҳосилини бу йил 5,5 миллиард пудга, 1965 йилда эса 7-8 миллиард пудга етказишни мўлжаллаб турибмиз. Маккажўхори дон ва мол озуқалари етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим манбаи бўлади. Маккажўхори республикада бундан 5 йил муқаддам 800 минг гектар чамаси ерга экилар эди, ўтган йили эса республикада 10 миллион гектар ерга маккажўхори экилди. Ўртоқ Полянский бу қимматли дон экинининг ҳосилдорлигини янада ошириш, картошка, қанд лавлаги, мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирмоқ учун экилаётган ўтларнинг ялпи ҳосилини кўпайтириш соҳасида республикада ўтказилаётган тадбирлар ҳақида гапиради.

Меҳнат унумдорлигини анча ошириш ва хўжаликни моҳирлик билан бошқариш, — дейди Д. С. Полянский, — қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни янада кўпайтиришнинг негизидир. Ҳамма хўжаликлар ўзларига биркитилган ердан энг кўп миқдорда маҳсулот етиштириб олиш учун курашишлари, хўжаликни тежаб-тергаб, оқилона равишда бошқаришлари мутлақо лозим. Меҳнатни нормаллаштириш ва тўғри уюштириш, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш масалалари билан чуқур шуғулланиш, хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш керак.

Тўппа-тўғри шуни айтиш керакки,—дейди ўртоқ Полянский, — биз колхозлар ва совхозлардаги ҳамма резервларни ҳали ҳам тўла равишда ишга солганимиз йўқ. Иқтисодий жиҳатдан заиф колхозларга айниқса жиддий эътибор бериш керак. Ҳозирги вақтда бу колхозлар яхши раҳбар кадрлар билан мустаҳкамланмоқда, ишлаб чиқаришни уюштиришни яхшилашда, молия хўжалигини ва меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда уларга ёрдам берилмоқда. Имкон бўлган жойларда бундай колхозлар бақувватроқ бўлган қўшни колхозлар билан бирлаштирилмоқда. Заиф колхозларнинг қолоқлигини тугатиш қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш учун қўшимча резервлар вужудга келтириш демакдир.

Бу етти йилликда республика қишлоқ хўжалигида катта капитал қурилишлар авж олдирилади. Ишлаб чиқариш бинолари қуришга ва меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаштиришга 100 миллиард сўм чамаси пул сарфлаш мўлжалланмоқда. Қишлоқларда беш миллиондан кўпроқ янги уйлар ҳам қурилади. Иморатларни план билан ёки планлаштириш схемалари билан қуришга киришиш пайти келди.

Нотиқ эътдики, хўжаликга раҳбарликни яхшилаш етти йиллик планда қўйилган вазифаларни бажаришнинг жуда муҳим шартидир. Кейинги йилларда Федерация қишлоқ хўжалигида бой тажрибага эга бўлган ажойиб кишилар ўсиб етишди. Раҳбар кадрларнинг сифат состави ўзгарди. Колхоз раислари орасида қишлоқ хўжалик мутахассислари 40 процентни, совхозларнинг директорлари орасида эса 86 процентни ташкил қилади. Колхозларда ҳозирги вақтда 94 минг агроном ва зоотехник ишламоқда. Булар колхоз раҳбар кадрларининг составини яхшилаш учун жуда катта резервдир. Ҳозирги вақтда колхозлар ва совхозларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиб етиштириш учун курашдаги имкониятлари ҳар қачонгидан ҳам кўпроқдир.

Ўртоқ Полянский меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ишлари масалаларига, жумладан, қишлоқдаги Советларнинг фаолиятига тўхталиб ўтди. Кейинги йилларда қишлоқда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу эса, қишлоқ Советларини ҳам қайта қуришни, уларнинг ишларини яхшилашни талаб қилади. Бир колхоз ёки совхоз территориясида бир неча Совет бўлиши сингари ғайри нормал аҳволни йўқотиш учун қишлоқ Советларини йириклаштириш керак. Қишлоқ Советларини яхши кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларнинг обрўйини кўтариш ва ҳуқуқларини анча кенгайтириш лозим.

Ўртоқ Н. С. Хрущев доклади,— дейди Ўртоқ Полянский,—мамлакатимизда коммунизм қуриш тўғрисидаги Ленин идеяларининг жонли ифодасидир, марксизм-ленинизм голиб кучини кўрсатувчи далилдир. Докладда таъриф қилинган назарий хулосалар коммунистик қурилиш қонуниятларини очишда янги палла, янги босқичдир. Жамиятнинг коммунизм сари шаҳдам қадамлар билан боришининг характери тўғрисидаги, мулкнинг колхоз формасини ва умумхалқ формасини ривожлантириш ва бир-бирига яқинлаштириш йўллари тўғрисидаги, бу иккала форманинг битта коммунистик мулк бўлиб қўшилиши тўғрисидаги, коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган давридаги давлат тузилиши ва давлатни бошқариш тўғрисидаги хулосалар назария билан практиканинг бир-бирига узвий равишда боғланганлигининг ифодасидир, узоқ муддатга мўлжаллаб қилинадиган ишларнинг фақат биз учунгина эмас, шу билан бирга чет эллардаги дўстларимиз учун ҳам чизиб берилган программасидир.

Пировардида Ўртоқ Полянский съездни ишонтириб айтдики, Россия Федерацияси меҳнаткашлари коммунизм қурилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажармоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Минбарда 150 минг партия аъзоси ва партия аъзолигига кандидат бўлган Горький область партия ташкилотининг вакили Ўртоқ **Л. Н. Ефремов.** У айтадики, Н. С. Хрущевнинг докладида коммунизм қуришни авж олдиришнинг илмий жиҳатдан асосланган программаси тўла ва равшан баён қилиб берилди.

Докладда коммунистик жамиятнинг икки фазаси ҳақидаги, социализмнинг коммунизмга ўсиб кириш қонуниятлари ҳақидаги, коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда давлат тузилиши ва бошқарув ҳақидаги марксча-ленинча назариянинг энг муҳим масалалари ҳартомонлама ривожлантирилди. Практика билан чамбарчас боғланган энг муҳим назарий масалаларнинг ишлаб чиқилиши, дейди нотиқ, мамлакатимиз тараққиётининг истиқболларини марксча-ленинча фан машъали билан ёритади. Ана шу энг муҳим масалаларнинг ишлаб чиқилиши халқаро ишчилар ҳаракати учун жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, ревизионизмга қақшатгич зарба беради.

Ўртоқ Ефремов мамлакатдаги йирик индустриал областларнинг бири бўлган Горький области саноатининг ривожланишига тўхталиб ўтади. У мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, фрезер станоклар, дарё кемаларининг ғалайғина қисмини, кимё, ўрмон ва қоғоз саноати маҳсулотининг анчасини тайёрлаб бермоқда.

Нотиқ областнинг партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари комплекс автоматлаштириш ва механизациялаштириш базасида корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш учун қандай кураш олиб бораётганликлари ҳақида гапиради. Областда етти йил мобайнида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1,5 баравардан кўпроқ, меҳнат унумдорлиги эса 46,5 процент ортиши керак. Янги машиналар, янги асбоб-ускуналар, станоклар ва приборларнинг 200 дан кўпроқ эсосий хилларини ўзлаштириш лозим.

Масалан, 1965 йилга бориб Горький автомобиль заводида машиналар ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпаяди, шу билан бирга энг мукаммал ва тежамли машиналар тайёрланади. Бунинг учун 136 автомат ва ярим автомат линиялар, 20 километр конвейер ўрнатиш, 1400 та махсус агрегат станоклар ўрнатиш мўлжалланди.

Корхоналарни техника билан қайтадан қуроллантириш тадбирлари Халқ хўжалиги кенгаши ихтиёридаги заводларнинг кўпчилигида ишлаб чиқилди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши кўпгина маблағни тежаш имконини беради. Горький саноатида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 86 проценти корхоналарни техника жиҳатидан реконструкциялаш ва ишлаб чиқаришни механизациялаш ва меҳнат унумдорлигини анча ошириш ҳисобига ҳосил қилинади.

Партия ташкилоти, дейди ўртоқ Ефремов, ана шу энг муҳим вазифаларни ҳал этиш соҳасида сабот ва матонат билан иш олиб боради ва мавжуд резервлардан тўла фойдаланишга эришади. Шу билан бирга давлат план органлари техникани реконструкциялаш, корхоналарни техника билан қайтадан қуроллантириш масалалари билан жиддийроқ шуғулланишлари керак. Шу муносабат билан Горький автомобиль заводини реконструкция қилиш ҳақида киритилган таклифларни тезликда қараб чиқиш ва тасдиқлаш кечиктирилмайдиган вазифаларнинг биридир.

Горький кимё саноати ҳам ишлаб чиқариш соҳасида бой тажрибага, кўпгина ички резервларга эгадир. Нотиқ нефтни қайта ишлашдан ҳосил бўладиган маҳсулотлар ва газдан тўла фойдаланиш ҳисобига синтетик материаллар ишлаб чиқариш учун нефть кимёсининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Аммо бу масала ҳали тўла ҳал этилган эмас. Масалан, Ново-Горькийдаги нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Аммо бу ерда ҳосил қилинаётган кимё ҳомашёсининг қимматли турларини қайта ишлаш тўғрисидаги масала ҳануз ҳал этилган эмас. «Нефтегаз» заводида фойдали кимё ҳомашёсининг фақат ярмидан фойдаланиб, полимер бирикмалар ишлаб чиқариш мўлжалланади. Аммиакни область кимё саноатининг эҳтиёжларини тўла қондирадиган миқдорда табиий газдан ишлаб чиқаришни уюштириш имконияти борлигига қарамай, областдаги корхоналар аммиакни бошқа иқтисодий районлардан келтирмоқдалар.

Кимё саноатини тез суръатлар билан ривожлантириш учун кимё машина-ускуналарини ишлаб чиқаришни кўпайтириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. 1959-1965 йилларда Горький иқтисодий районидаги ихтисослаштирилмаган заводларда ана шу машина ускуналарни ишлаб чиқаришни 12 баравар кўпайтириш мўлжалланади. Нотиқ бошқа бир қанча иқтисодий районларнинг ихтисослаштирилмаган корхоналарида кимё машина ускуналари ишлаб чиқаришни уюштириш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўртоқ Ефремов партия ташкилотининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги вазифаларига тўхталиб айтадики, мамлакат ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги пайтда партия ташкилотлари ташкилотчилик ишларини юксак даражага кўтаришлари, хўжаликка бир мақсадни кўзда тутиб конкрет раҳбарлик қилишлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари билан доим шуғулланишлари лозим.

Ўртоқ Ефремов съездни ишонтириб айтадики, ўртоқ Н. С. Хрущевнинг докладида баён қилинган аниқ ва конкрет программа билан қуролланган область партия ташкилоти мамлакатимизда коммунизм қуришни авж олдириш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Делегатлар ва меҳмонлар Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети раисининг ўринбосари ўртоқ **Чжоу Энь-лайни** самимий кутиб олдилар. У, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ва ўртоқ Мао Цзэ-дунинг топшириғига биноан XXI съезд делегатларини қизғин табриклади ҳамда совет халкига, Совет Иттифоқи ҳукуматига ва Коммунистик партиясига Хитойга доимий қардошлик ёрдами бериб келаётганликлари учун ташаккур билдирди.

Ўртоқ Чжоу Энь-лай ҳозирги замоннинг сиёсий ҳаётида зўр воқеа бўлган XXI съезднинг жуда катта аҳамияти тўғрисида гапиради. Халқлар бу съезд бутун дунёда тинчликнинг энг қудратли таянчи бўлган Совет Иттифоқининг таққослаб бўлмайдиган қудратини кўрсатувчи намойиш дебгина билиб қолмасдан,— деди у,—шу билан бирга бутун инсониятнинг улуғвор, гўзал истиқболи—коммунизмнинг намойиши деб ҳам биладилар. Бу эса, бутун дунёда тинчлик бўлиши ва инсониятнинг тараққий этиши учун зўр бериб курашаётган ҳамма мамлакатларнинг халқларини ғоят қувонтиради ва руҳлантиради.

Ўртоқ Чжоу Энь-лай XX съездан кейин ўтган даврга тўхталиб дедики, совет халқи фаолиятнинг ҳамма соҳаларида буюк ғалабаларга эришди. Совет Иттифоқи коммунизмга ўтиш учун етти йиллик давр ичида моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкам пойдевор қуради. Бу жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган практика эканлигини, бутун дунёга социализмдан коммунизмга ўтиш йўлини кўрсатиб бераётганлигини ва бинобарин, марксизм-ленинизм хазинасини тағин ҳам кўпроқ бойитаётганлигини ҳамма равшан кўриб турибди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бўлган вақтдан бери,— деди ўртоқ Чжоу Энь-лай,—Совет Иттифоқи даврининг ҳамиша олдида борди ва социалистик ҳамда коммунистик қурилишдаги ўзининг ёркин намунаси билан бутун дунё пролетариатини ва меҳнаткашларини руҳлантириб турибди. Улар Совет Иттифоқининг бугунги куними ўзларининг эртаги кунлари деб билмоқдалар. Совет Иттифоқининг мавжудлиги ва ривожланаётганлиги империализм ҳукмронлигини тубдан қақшатди. Совет Иттифоқи социалистик мамлакатларга, халқаро пролетариатга, бутун дунёнинг тинчликсевар давлатларига ва халқларига жуда катта мадад бермоқда ва ёрдам кўрсатмоқда.

Хитой Коммунистик партияси делегациясининг бошлиги тинчлик, миллий мустақиллик ва кишилик тараққиёти учун курашга халқларни руҳлантираётган совет ташқи сиёсати катта обрўйга эга эканлигини уқтириб ўтди. Совет Иттифоқининг манфаатлари бутун инсониятнинг манфаатлари билан батамом ва тўла равишда бирдир. Жаҳон пролетариатининг ва бутун прогрессив инсониятнинг қалби Совет Иттифоқига интилган.

Ҳамма мамлакатлардаги коммунистларнинг бузилмас жипслиги бутун дунё пролетариати умумий ишининг ғалаба қилишини таъминловчи асосий гарантиядир. Марксизм-ленинизмга қарши чиқаётган ва империализмга хизмат қилаётган титочилар гуруҳининг ҳақиқий башараси эндиликда батамом фош қилинди,—дейди ўртоқ Чжоу Энь-лай. Империалистлар ва ҳозирги замон ревизионистлари халқаро коммунистик сафларнинг жипслигини бузишга қаратилган ўзларининг ҳамма қора ниятларидан асло воз кечмаётган бўлсалар ҳам, лекин бу қора ниятлар сафларимизни тағин ҳам кўпроқ жипслаштиришга ҳамда империалистлар ва ревизионистларнинг ўзларини тағин ҳам шиддатлироқ мағлубиятга олиб келиши мумкин, холос. Бизнинг буюк интернационал жипслигимизга путур етказа оладиган куч жаҳонда йўқ.

Ўртоқ Чжоу Энь-лай ўз нутқида хитой халқининг социализм қуришда тўхтовсиз олга бораётганлигини,

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Кўп жойларда,—деди у,—деҳқонлар оммаси ўз ташаббуслари билан тажриба тариқасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативларини қайта тузиб тагин ҳам юқори босқичга кўтара бошладилар. Деҳқонлар оммаси майда кооперативларни бирлаштириб, йирик кооперативлар тузилар, хўжалик фаолияти доирасини кенгайтирдилар, меҳнат кооперациясини амалга оширдилар, ижтимоий маиший муассасалар ва шу кабиларни тузидилар.

Хитой халқи Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ва Ўртоқ Мао Цзэ-дуннинг актив ёрдами ва етакчилигида халқ коммунаси сингари шундай бир ташкилий формани вужудга келтирдики, бу халқ коммунасида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, маориф ва ҳарбий иш комплекс равишда ривожлантирилмоқда, халқ коммунаси айни вақтда ҳам ҳокимият органи ва ҳам хўжалик ташкилотидир.

Биз,—деб давом қилди Ўртоқ Чжоу Энь-лай,—социалистик қурилишни жадал ривожлантириш мумкинлигига тагин ҳам кўпроқ ва қатъий ишонч ҳосил қилдик. 15-20 йил ичида ёки ундан сал кўпроқ вақт ичида Хитойни юксак даражада ривожланган замонавий саноатга, замонавий қишлоқ хўжалигига, замонавий фан ва маданиятга эга бўлган социалистик мамлакатга айлантирмоқчимиз.

Хитой Коммунистик партиясининг вакили ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида социализм билан капитализм ўртасида бўлаётган тинч мусобақа тўғрисида гапириб шуни уқтириб ўтдики, бу мусобақада социализм ҳал қилувчи ғалаба қозонадиган кун энди яқинлашиб қолди. Халқаро вазият душманларнинг кундан-кунга тобора кўпроқ чириб бораётганлигини, аммо биз кунданкунга тобора яхшиланиб бораётганлигимизни кўрсатиб турибди.

Бизнинг иккала мамлакатимиз — Хитой билан Совет Иттифоқи, социалистик лагеримизнинг ҳамма мамлакатлари абадий яхлит бўлиб жипслашган ҳолда, қаҳрамонона қадам ташлаб коммунизмнинг тўғри йўлидан олга бора берадилар.

Ўртоқ Чжоу Энь-лай ўз нутқининг охирги қисмида Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетидан КПСС XXI съездига ёзилган ва Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси Ўртоқ Мао Цзэ-дун қўл қўйган табрикномани ўқиб берди.

Табрикномада айтиладики, Хитой Коммунистик партиясининг Марказий Комитети бутун хитой халқи ва Хитой Коммунистик партиясининг ҳамма аъзолари номидан съездга кардошлик саломини йўллайди ва КПСС га ҳамда совет халқига ўзининг самимий чуқур ҳурматини изҳор қилади.

КПСС нинг XX съездидан кейин ўтган вақт ичида, — дейилади табрикномада, — совет халқи Ўртоқ Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг тўғри раҳбарлигида коммунистик қурилишда бир канча катта муваффақиятларга эришди ва тинчликни таъминлаш ҳамда урушнинг олдини олиш йўлида биргаликда олиб борилаётган кураш учун тинчликсевар давлатларни ва бутун дунё халқларини бирлаштириш ишига катта ҳисса қўшди. Совет космик ракетаси муваффақиятли равишда учирилганлиги совет фани ва техникасининг эндиликда ёркин чўққига кўтарилганлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди.

Табрикномада уқтириб айтиладики, совет халқи бутун дунё пролетариати ва прогрессив инсоният учун ҳамиша шонли ибрат бўлиб келмоқда. Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1957 йилда Москвада ўтказилган кенгашларидан кейин Совет Иттифоки бошчилигидаги социалистик лагерининг жипслиги ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини ўзига марказ қилиб олган халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслиги анча мустаҳкамланди. Империалистлар ва ҳозирги замон ревизионистлари пролетариатнинг интернационал бирдамлигига ўзларининг қора ниятлари билан путур етказишга ҳали ҳам интилаётганликларига қаламай, уларнинг бу қора ниятлари ўтмишда бўлганидек бу сафар ҳам муқаррар шармандаларча барбод бўлади.

Ҳозирги вақтда империалистлар иқтисодий кризисининг ва социал конфликтларнинг катта зарбаларига учрамоқдалар, империализмнинг мустамлака системаси тобора кўпроқ емирилмоқда, империализм лагеридаги бузилиш борган сари чуқурлашмоқда, социализм, халқларнинг социализм кучлари қўллаб-қувватлаган ҳолда миллий мустақиллик учун олиб бораётган ҳаракати ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган кураш жуда зўр оқим бўлиб бир-бирига қўшилди. Империалистларнинг ва барча реакционерларнинг ўлим олдидаги талвасалари уларни узил-кесил ҳалок бўлишдан асла қутқариб қололмайди.

Ҳозирги вақтда хитой халқи Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлигида ўзининг бутун кучини сарфлаб, олга интилиб, «кўпроқ, тезроқ, яхшироқ ва тежамлироқ» деган принцип бўйича социализм қурмоқда.

Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг табрикномаси қуйидаги сўзлар билан тугайди:

Совет Иттифоки Коммунистик партиясининг XXI съезди ишига муваффақиятлар тилаймиз! Коммунизм қуриш ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш учун курашда совет халқига бошчилик қилаётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига янги зўр ғалабалар тилаймиз!

Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг табрикномаси ва Ўртоқ Чжоу Энь-лай нутқи гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олинди. Қардош Хитой Коммунистик партияси делегациясининг бошлиги нутқ сўзлаб бўлганидан кейин Ўртоқ Н. С. Хрушчев ва съезд Президиумининг бошқа аъзолари Ўртоқ Чжоу Энь-лайнинг қўлини қаттиқ қисиб табрикладилар.

Сўз Ўртоқ **А. Н. Косигинга** берилди. Партия XX съездидан бери ўртада атиги уч йил вақт ўтди, — деди у. — Лекин бу унчалик катта бўлмаган даврнинг партиямиз ва давлатимиз тарихида жуда катта аҳамияти бор. Партиянинг жанговар штаби — Ленинчи Марказий Комитет тўғри раҳбарлик қилиб келганлиги туфайли халқ хўжалигини юксалтиришнинг жуда катта вазифалари ҳал қилинди, саноатни ва қурилишни бошқариш тубдан қайта қурилди, колхоз тузумини янада ривожлантириш соҳасида жуда катта талбирлар амалга оширилди, халқ моддий фаровонлигини анча ошириш таъминланди. Совет Иттифоқи коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврига кирди.

Партиямиз ўтказаётган ташқи сиёсат — тинч-тотув яшаш сиёсати, тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун Совет давлати олиб бораётган актив кураш самарали натижалар бермоқда. Совет Иттифоқининг халқаро миқёсдаги обрўйи тагин ҳам баланд кўтарилди. Социалистик мамлакатлар лагери тагин ҳам жипслашиб, қудратлироқ бўлиб колди.

КПСС XXI съезди коммунистик жамият қуришнинг улуғ программасини муҳокама қилмоқда. Етти йил унчалик катта муддат эмас. Лекин СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини — аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини амалга оширишда бу етти йил ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Партия, — дейди Ўртоқ А. Н. Косигин, — совет халқининг моддий фаровонлигини янада ўстиришни таъминлайдиган кенг тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодий тузумимизнинг энг катта талабаси бўлади. Ўртоқ Косигин халқ истеъмоли молларинв ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига тўхталади. Давлатимизнинг экономикаси огир саноатни биринчи навбатда ривожлантиришни таъминлаш билан бирга енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини етти йиллик планда бундан олдинги даврдагига қараганда анча тезроқ суръатлар билан ривожлантиришни ҳозирнинг ўзидаёқ кўзда тутишга имкон беради. Халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағ ҳажми етти йил ичида 1,8 баравар кўпайтирилганида, енгил саноатга ва озиқ-овқат саноатига сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 200-212 процент кўпаяди. Бу эса, аҳолининг турмуш даражасини тез юксалтириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилишга имкон беради.

Етти йиллик планда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни 1958 йилдаги даражага нисбатан тахминан 62-65 процент кўпайтириш мўлжалланади. Бу молларнинг хилларини яхшилаш, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, турмушда маданият ва қулайлик тўғдирадиган энг яхши киймлар ва буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилади. Аҳоли жон бошига бир қанча асосий озиқ-овқат молларини ишлаб чиқариш жиҳатидан етти йиллик ичида биз АҚШдаги даражага етиб олибгина қолмасдан, балки бу даражадан ўзиб ҳам кетамиз. Масалан, қанд-шакар ишлаб чиқариш қариб 2 баравар кўпайтирилади ва аҳоли жон бошига йилига 41-44 килограммни ташкил қилади, бизда истеъмол қилинадиган қанд-шакарнинг миқдори АҚШдагига қараганда анча кўпаяди.

Мамлакатда чорвачиликни тинмай юксалтириб бориш туфайли сут ва гўшт етиштириш кескин равишда кўпайтирилади. Етти йиллик ичида мол ёғи етиштириш 1,6 баравар, гўшт етиштириш 2 баравар кўпаяди, пишлоқ ва бошқа сут маҳсулотлари ҳосил қилиш анча кўпайтирилади. Гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган 250 га яқин янги корхона ишга туширилади.

Аҳоли истеъмол қиладиган озуқа маҳсулотлари орасида балиқ маҳсулоти катта ўрин олади. Балиқ маҳсулотлари ҳар бир жон бошига урушга қадар 5 килограммдан истеъмол қилинган бўлса, ҳозир 9,5 килограммдан истеъмол қилинаётган бўлса, 1965 йилда аҳоли жон бошига балиқ истеъмол қилиш бизда 12-13 килограммга етказилади ва бу жиҳатдан АҚШдаги ҳозирги вақтдаги бўлган балиқ истеъмоли даражасидан анча ўзиб кетамиз.

Балиқ овлаш саноатининг ўзи-юрар флоти урушдан олдинги вақтдагига нисбатан ҳозир 3,6 баравар кўпайди. Украина ССР кемасозлари кит овлайдиган ва 44 минг тонна ҳажмда бўлган «Советская Украина» деган янги кемани КПСС XXI съездига атаб сувга туширдилар. Бу Ватанимиз кемасозлигининг катта муваффақиятидир. Мамлакатимизда балиқ овлаш 1965 йилда 1958 йилдагига қараганда 60 процентдан зиёдроқ кўпайтирилади.

Сўнгра Ўртоқ Косигин дедики, совет кишиларини газламалар, кийимлар, пойафзал ва бошқа моллар билан мўл-кўл қилиб таъминлаш вазифаси шу етти йил ичида ҳал қилинади. Ҳозирги вақтда бизда ип газламалар ва шойи газламалар АҚШдан бошқа Ғарбдаги ҳар бир капиталистик мамлакатдагига қараганда кўп ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган жун газламаларнинг ва зигирпоя толасидан тўқилган газламаларнинг миқдори жиҳатидан Совет Иттифоқи ҳаҳонда биринчи ўринни олиб турибди. Етти йиллик планда ҳамма хил газламалар ишлаб чиқаришни 1,4 баравар кўпайтириш кўзда тутилади. Газламалар ишлаб чиқаришнинг ҳажми жиҳатидан биз Америка Қўшма Штатларига анча яқинлашиб қоламиз, жун газламалар ишлаб чиқаришнинг ҳажми жиҳатидан эса АҚШдаги ҳозирги даражадан 1,8 баравар ўзиб кетамиз.

Трикотаж саноати тез суръатлар билан ривожлантирилади, суньий мўйналар ишлаб чиқариш кўпайтирилади, тикувчилик саноати, кўн ва пойафзал саноати кенгайтирилади.

Рўзғор учун керакли буюмлар ва хотин-қизларнинг уй меҳнатини осонлаштирадиган машиналар ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Халқ фаровонлиги оша борган сари аҳолининг юқори сифатли хилма-хил молларга бўлган талаби ва эҳтиёжи орта боради. Халқ хўжалигни кенгашлари молларнинг хилларини яхшилаш, уларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва шундай молларни кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида жиддий ва систематик иш олиб боришлари лозим. Фабрикалар ва заводлар ўзлари ишлаб чиқараётган молларнинг хилларини савдо ташкилотларининг талабларига мувофиқ ўзгартириб туришлари керак.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш топшириқларини бажармоқ учун етти йиллик планда енгил саноатда ва озиқ-овқат саноатида янги қувватларни тезроқ кўпайтириш кўзда тутилган. Саноатнинг шу тармоқларида 1600-дан кўпроқ корхона ишга туширилиши лозим.

Ўртоқ Косигин мўлжалланган планларнинг бажарилишини таъминламоқ учун резервлардан фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапиради. Янги илмий тадқиқотлар ўтказиш, синтетик хом ашёни халқ хўжалигига жорий қилиш, капитал маблағлардан мақсадга энг мувофиқ равишда фойдаланиш, қурилишнинг қийматини янада камайтириш мана шундай резервлар жумласиндандир.

Мамлакатимизнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар, қаҳрамон совет ёшлари, — дейди нотиқ сўзини тамомлаб, — партиянинг улуғ режаларини амалга оширмоқ учун ўзларининг бутун иродаларини ва ўзларининг бутун ижодий кучларини сафарбар қиладилар, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

— Биз, съезд делегатлари,— дейди Ўртоқ **Н. Т. Мазуров,**—Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг мамлакатимизда коммунистик қурилиш йўллари ва планлари тўғрисидаги чуқур асослаб берилган докладини зўр эътибор билан тингладик. Партиянинг XXI съезди СССР халк хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планни контроль рақамларини қараб чиқмоқда. Етти йиллик олдин мамлакатимизда коммунизм қуришнинг ленинча идеяларининг жонли ва конкрет мужассамидир.

Эндиликда, деб таъкидлайди нотиқ, мамлакатимиз янги тарихий маррага чиқкан, коммунистик жамият қуришнинг авж олдирилган даврига қадам қўйган бир паётда меҳнаткаш инсониятнинг порлоқ истиқболи сари йўл очиб берётган меҳнаткаш халқ, ижодкор халқ бўлмиш совет халқининг жаҳоншумул тарихий зафарлари ёркин ўрнинб турипти. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг донишмандлиги ва ташкилотчилик кучи ҳозир айниқса яққол кўринмоқда. Совет Иттифоки Коммунистик партияси кенг халқ оммасини тарихий онгли ижодкорликка отлантирди, уларни жипслаштирди, қийинчилик ва ғовларни енгиб, асл мақсад—коммунизм сари олиб бормоқда. Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари КПСС XX съезди белгилаб берган йўлни ва партия ҳамда унинг Марказий Комитетининг амалий ишини қизғин қўллаб-қувватладилар ва яқдиллик билан маъқулладилар. Маленков, Каганович, Молотов, Булганин, Шепиловлардан иборат фракциячилар ва нифоқчиларнинг ожиз группасигина партиямизнинг ленинча йўлига қарши чиқди. Партияга қарши бўлган ана шу группанинг тор-мор келтирилганлиги, партиямизнинг ленинча бирлигти бузилмас бирлик эканлигини исбот қилади. Бу группанинг тормор келтирилганлиги халқимизни партия ва унинг Марказий Комитети теварагига янада кўпроқ жипслашишга ёрдам берди. Партия ва мамлакатимиз халки эндиликда ҳар қачонгидан кўра, кўпроқ жипслашган ва монолитдир.

Сўнгра Ўртоқ Мазуров айтадики, ленинча миллий сиёсат соҳасида КПСС XX съездидан кейин Марказий Комитет амалга оширган тадбирлар мамлакатимиз халқларининг дўстлигини янада кўпроқ мустаҳкамлаш ва барча республикаларнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада тез ривожлантиришга ёрдам берди. Эндиликда СССР да қолоқ чекка ўлкалар йўқ. Барча совет миллий республикалари ривожланган саноатга, йирик социалистик қишлоқ хўжалигига эгадирлар. Совет Иттифоқининг барча халқлари боғ маънавий ҳаёт кечирмоқдалар, фан ва техникани ривожлантиришда актив қатнашмоқдалар, ажойиб маданий бойликларни вужудга келтирмоқдалар.

Революциядан илгариги Белоруссияда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти Россияда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўртача миқдоридан тахминан беш баравар кам эди. Ҳозирги Белоруссия — кудратли индустрия мамлакатидир. Минг киши ҳисобига автомобиль, трактор, металл қирқувчи станоклар ишлаб чиқариш жиҳатидан Белоруссия Ғарбий Европанинг энг тараққий этган мамлакатларидан олдинда бормоқда. Урушдан кейинги 13 йил ичида республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажми 16 баравардан зиёд кўпайди ва урушдан аввалги даражага нисбатан қариб 6 уч ярим баравар ортди. Колхоз қишлоқида ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй берди.

Маориф ишлари ва маданий қурилиш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришилди. Ҳар ўн минг кишига олий ўқув юртларида ўқувчи студентлар сони жиҳатидан Белоруссия ССР Ғарбий Европадаги Франция, Германия Федератив Республикаси, Италия, Австрия, Швеция, Бельгия каби мамлакатлардан олдинда бормоқда. Октябрь революциясидан илгари белоусларнинг 80 проценти саводсиз эди.

Ўртоқ Мазуров шу етти йилликда Белоруссиянинг экономикаси ва маданияти тагин ҳам ҳар томонлама ривожланажаги ҳақида гапиради. Шу йиллар ичида саноат ишлаб чиқариши ҳажми республикада 1,8 баравар ортади. Дон етиштириш 1958 йилдагига нисбатан тахминан икки баравар, зигир толаси ва картошка етиштириш бир ярим баравар, қанд лавлаги етиштириш 3 баравардан зиёд кўпаяди. Аҳоли жон бошига гўшт, ёғ ва сут етиштириш АҚШдаги даражадан анча ошиб кетади. Ҳозирги вақтда республика партия ташкилотлари 1959 йилдаёқ колхозларда гўшт етиштиришни икки баравар кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Республикадаги илгор колхозлар, совхозлар, районлар етти йиллликнинг топшириқларини қишлоқ хўжалигида тўрт-беш йил мобайнида бажариш учун курашмоқдалар.

Сўнгра нотиқ мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш контроль рақамлари муҳокама қилинган вақтда республика меҳнаткашлари киритган базъи таклифларга тўхталиб ўтади. Бу таклифлар мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланишга қаратилган. Турбинали электростанцияларнинг қуввати 3,3 баравар (ўтган етти йилликдагига нисбатан) ортгани ҳолда Давлат план комиссияси электр қуввати ўтказиладиган линияларни икки баравардан камроқ оширишни планлаштирган. Электр қуввати ўтказиладиган линиялар қурилишини тезлатиш зарур. Етти йилликда саноат ишлаб чиқариши планларини тузган пайтда саноатни ихтисослаштириш ва иқтисодий районлар ўртасида кооперативлаштириш йўли билан бўладиган алоқаларга доир масалаларни кўшимча равишда, айниқса пухта ишлаб чиқиш талаб этилади. Халқ хўжалиги кенгашлари мазкур иқтисодий районлари саноат эҳтиёжлари учун зарур бўлган буюмларни ўз корхоналарида ишлаб чиқишга кўпинча мажбур бўлмоқдалар, ҳолбуки ана шу буюмлар бошқа иқтисодий районлардаги ихтисослаштирилган корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакатнинг манфаатлари бизда ишлаб чиқарилаётган машиналар, хусусан тракторлар ва автомобилларнинг айрим энг муҳим узеллари ва деталларини дадил унификация қилишни талаб этади. Лекин шунга қарамай, машинасозлик заводларини ихтисослаштириш яхши уюштирилмаганлиги узелларни унификация қилиш соҳасидаги конструкторлик ишларига халақит бериши мумкин.

Ўртоқ Мазуров ўз нутқида етти йилликнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган сарфларни камайтириш ҳақидаги топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун курашда партия ташкилотларининг вазифаларига кўпроқ тўхталиб ўтди. Партия ташкилотлари хўжасизлик ва испофгарчиликка қарши, хўжалик қисобини мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб боришлари, корхоналар ишларининг ҳамма сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун хўжалик раҳбарларининг жавобгарлигини оширишлари лозим.

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг шу етти йилликдаги улуғвор программаси, дейди Ўртоқ Мазуров, совет кишиларингина эмас, балки социалистик лагердаги барча меҳнаткашларни, бутун дунёдаги барча дўстларимизни ҳам қувонтирмоқда. Бу программа синфий душманларимизни даҳшатга солди ва саросима қилиб қўйди. Империалистлар социалистик фронтни заифлаштириш учун бутун кучлари билан уринмоқдалар, улар СССРга ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатларга қарши «совуқ уруш»дан воз кечиш ниятида турсин, балки туҳмат ва ифвогарлик воситалари билан тузумимизнинг, яшаш усулимизнинг обрўсини туширишга, бизнинг сиёсатимизни, бизнинг режаларимизни бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Аммо капитализм идеологлари Совет Иттифоқининг, бутун социалистик лагерининг эришган зўр муваффақиятларини эндиликда меҳнаткашлар оммасидан яшириб қололмайдилар.

Ўртоқ Мазуров нутқининг охирида бундай деди: Совет Иттифоқининг барча халқлари каби Белоруссия коммунистлари, белорус халқи ҳам коммунистик қурилишнинг КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан меҳнаткашларнинг туб манфаатларига муносиб бўлган программасини якдиллик билан маъқуллаб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ана шу программада баён қилинган доно сиёсатини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар ва ўзларининг бутун кучларини мамлакатимизда коммунизм тантанаси йўлидаги курашга бағишлайдилар.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **Владислав Гомулка** минбарга чиққанида съезд делегатлари уни самимий кутиб олдилар. Ўртоқ Гомулка Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети номидан КПСС съездини самимий табриклади ва Польша ишчилар синфи ҳамда бутун поляк халқи номидан Совет Иттифоқи ишчилар синфига ва барча халқларига қизғин қардошлик саломи топширди.

Партиянгизнинг ҳар бир съезди, дейди Ўртоқ Гомулка, бутун халқаро ишчилар ҳаракати учун, бутун прогрессив инсоният учун доим жуда катта воқеа бўлиб келди. Навбатдан ташқари чақирилган бу съезд дунёдаги барча коммунистик ва ишчи партиялар ҳамда барча тинчликсевар кишиларнинг эътиборини гоят кучли суратда ўзига жалб этаётганлигига сабаб шуки, бу съезд социализмнинг капитализм билан мусобақасида янги ҳал қилувчи босқични бошлаб берали, коммунизмнинг юқори фазасини барпо қилишда совет халқи олдига янги буюк вазифалар қўяди.

Совет халқи, деди Ўртоқ Гомулка, ўзининг умумий тараққиётида жуда катта муваффақиятларга эришди, дунёда биринчи бўлиб Ер йўлдошини учирди ва киши қўли билан яратилган биринчи планета Қуёш атрофида айланмоқда. Зўр ишонч билан айтиш мумкинки, бу халқ совет мамлакатини ҳар томонлама янада ривожлантиришнинг етти йиллик программасини ўзининг ленинчи партияси раҳбарлигида амалга оширади, коммунизмнинг қудратли моддий-техника базасини барпо қилади.

Бизнинг партиямиз ва поляк халқи, деди Ўртоқ Гомулка, етти йиллик план тўғрисидаги тезисларни зўр иштиёқ ва муҳаббат билан кутиб олдилар. Тобора кенгайиб бораётган ўзаро ҳамкорлигимиз шароитида Совет Иттифоқининг ривожланиши мамлакатимизнинг тараққиётини тезлаштирадиган ва енгиллаштирадиган ижодий омилдир. Бу гап социалистик лагеримиздаги барча мамлакатларга ҳам тааллуқлидир, чунки ҳар бир социалистик мамлакат ўзидаги ишлаб чиқариш потенциалининг ривожлана борили билан бошқа социалистик мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши ва ёрдамлашиши йўли билан юксалиш имкониятини енгиллаштиради.

Ўртоқ Гомулка халқаро сиёсат масалаларига тўхталиб айтдики, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ҳақида ва Ғарбий Берлинни эркин шаҳарга айлантириш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан илгари сурилган ва Польша билан ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан келишилган таклифлар социалистик мамлакатлар лагерининг тинчликка интилаётганлигини ифода этувчи янги далилдир.

Ғарбий Германиядаги милитаристлар ва реваншистлар Польшанинг Одер ва Нейсе чегаралари орқали янги «Дранг нах Остен» тўғрисидаги жиноий хаёлларга берилиб кетган кишилар ва Германия Федератив Республикасининг зўр бериб милитарлаштирилиши «совуқ уруш» сиёсатини давом эттириш ва Европадаги ҳамда бутун дунёдаги аҳволни кескинлаштириш учун бир майдон бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаётган империалистик доиралар Германия билан сулҳ шартномаси тузилишини ва иккинчи жаҳон уруши саҳифаларининг бутунлай ёпилишига йўл қўйишни истамайдилар.

Бизнинг делегациямиз, деди Ўртоқ Гомулка, Н. С. Хрушчев докладининг коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги, шунингдек социалистик мамлакатлар ўртасидаги қардошлик ва ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги тезисларини ва ленинчи принципларни ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг ҳозирги аҳволига тўла жавоб беради. Халқаро коммунистик ҳаракат марксизм-ленинизмга асосланиб, жаҳон аҳамиятига эга бўлган буюк кучга айланди. Масаланинг шу тарзда қўйилиши социализмнинг душманларига ва ҳар қандай ниқобдаги ревизионистларга ҳамда марксизм-ленинизмдан чекинувчиларга зарба беради. Ана шу унсурлар воқеликни сохталаштириб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет Иттифоқи ўз хоҳишини бошқа коммунистик ва ишчи партияларга, шунингдек социалистик лагердаги мамлакатларга мажбуран қабул қилдириб келди, деб даъво қиладилар. Ҳақиқий ҳол шундайки, бизнинг партиямиз ҳам, бошқа партиялар ҳам (уларнинг тўла суверенитет ва ҳуқуқий тенглиги сақлаб келаётганликларини яхши биламиз) ўзлари ўз сиёсати йўлини белгиламоқдалар, ўз мамлакатига доир барча проблемаларни ҳал этмоқдалар.

Ўртоқ Гомулка Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг халқаро ишчилар ҳаракатидаги обрўйи тўғрисида гапиради. У айтадики, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўз мамлакатида голибона социалистик революцияни амалга оширган, илгариги қолоқ Россияни қудратли социалистик давлатга айлантирган, социализм қурган, ҳамма учун қимматли бой тажриба тўплаган, коммунизм қуриш йўлига ўтган биринчи партиядир. Дунёдаги коммунистлар ва барча прогрессив кишилар Совет Иттифоки Коммунистик партиясига ва Совет Иттифоқига доим назар солиб келдилар ва бундан бўён ҳам шундай киладилар, чунки инсоният-нинг энг янги тарихи — синфсиз жамият барпо қилиш тарихи шу ерда вужудга келди ва шу ердан барча халқларга таъсир кўрсатмоқда.

Ўртоқ Гомулка Совет Иттифоқининг ленинчи Коммунистик партияси шарафига, коммунизм қураётган улуғ Совет Иттифоқи халқлари шарафига, Польша Бирлашган ишчи партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар ҳамкорлиги шарафига, дунёдаги барча халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик шарафига табрик хитоблари айтди.

Ўртоқ Владислав Гомулканинг нутқи билан съезднинг эрталабки мажлиси тамом бўлди. (ТАСС).

28 январь кечки мажлис

Съезднинг ўртоқ В. И. Устинов раислигида очилган кечки мажлисида ўртоқ Н. С. Хрушчев докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Минбарда ўртоқ **Н. И. Беляев.** Улуғ ленинчи партиямизнинг ҳар бир съезди, — дейди у, — халқимиз ҳаётида янги тарихий марра бўлади, меҳнаткашларнинг бахти учун, социалистик Ватани янада яшнатиш учун курашнинг янги босқичи шу қарордан бошланади. Совет Иттифоки Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари бу XXI съезди ҳам ҳақиқатан тарихий, катта воқеадир. Халқ бу съездга коммунизм қурувчилар съезди деб ном берди.

КПСС XX съездидан кейин ўтган уч йил, — деб давом қилди Ўртоқ Беляев, — шу съезд қарорларини амалга ошириш соҳасида партия, унинг Марказий Комитети катта ва самарали ишлар қилганлигидан далолат беради. Коллектив раҳбарликнинг ленинча принциплари ва партия ҳаёти нормалари тиклангانлиги коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг активлигини мисли сиз юксакликка кўтарди, бу эса, ишлаб чиқарувчи кучларни мисли кўрилмаган тез суръатлар билан ривожлантирувчи омил бўлди. Съезднинг халқ хўжалигини бошқаришда ленинча демократик централизм принципларини янада ривожлантириш зарурлиги тўғрисида берган кўрсатмалари асосида, КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан мамлакатда саноатни ва қурилишни бошқариш тубдан қайта қурилди. Бу тадбир жуда тўғри бўлиб чиқди. Саноатни ва қурилишни жойлардаги халқ хўжалиги кенгашлари орқали бошқариш ишлаб чиқаришни ўстириш ва такомиллаштириш ишида бебаҳо яхши натижалар берди. Саноатимиз анча кўп маҳсулот чиқарадиган бўлиб қолди, маҳсулотнинг сифати яхшиланди.

КПСС Марказий Комитетининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тадбирлари нақадар катта роль ўйнаганлиги ҳақида съездда гапириб ўтилди. Шу нарсани яна бир марта уқтириб ўтмоқчиманки, машина-трактор станциялари қайта ташкил қилинганлиги ва қишлоқ хўжалик машиналари колхозлар қўлига топширилганлиги бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган зўр революцион тадбир бўлди.

Сўнгра Ўртоқ Беляев КПСС Марказий Комитетининг 1957 йилдаги июнь Пленумининг тарихий аҳамияти тўғрисида гапиради. Бу Пленум Маленков, Каганович, Молотов, Булганин ва Шепиловларнинг партияга қарши группасини тор-мор келтирди. Улар партиянинг XX съезди ишлаб чиққан йўлига қарши чиқдилар, съезд қарорларини ревизия қилишга уриндилар, мамлакат учун қаётий муҳим бўлган тадбирларнинг амалга оширилишига каршилик кўрсатдилар. Бутун партия ва бутун совет халқи, — дейди нотиқ, — фракциячиларнинг жиноятқорлик фаолиятини қоралади. Коммунистик партия фракциячиларнинг партияга қарши бўлган группасини улоқтириб ташлаб, марксизм-ленинизмнинг улуғ байроғи остида ўз сафларининг бирлигини тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаб олди.

Ўртоқ Беляев ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездидаги доклади тезислари умумхалқ томонидан муҳокама қилинганлигига тўхталиб айтдики, Козогистоннинг ҳамма меҳнаткашлари партияга, Ватанга ўз муҳаббатларини изҳор қилдилар ва жуда катта етти йиллик планни муваффақиятли равишда амалга оширишга ўзларининг қаттиқ бел боғлаганликларини билдирдилар. Улар республика ва бутун мамлакат экономикасини ва маданиятини тез юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб жуда кўп таклифлар киритдилар ва истаклар билдирдилар.

Қозоқ халқи, — дейди нотиқ, — Коммунистик партия раҳбарлигида, улуғ рус халкининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг ёрдами билан турмушнинг ҳамма соҳаларида ажойиб муваффақиятларга эришди. Республикада саноат ишлаб чиқариши 1913 йилдагига нисбатан 43 баравар кўпайди. Кейинги йилларда республика 20 миллион гектардан кўпроқ қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирди. Бунинг натижасида у товар галла етиштириш соҳасида мамлакатнинг РСФСРдан сўнг энг катта галла конига айланди.

Совет Козогистонининг ва Ўрта Осиё республикаларининг ўз экономикаларини ва маданиятларини ривожлантиришдаги муваффақиятлари ҳайратда қоларлик муваффақиятлардир. Франциядаги реакцион «Перспектив» журналининг совет «Марказий Осиёси» тўғрисидаги нуқул туҳматдан иборат уйдирмалари бу фактлар олдида жуда разил ва бурдсиз гаплар эканлиги яққол кўринади.

Шу муносабат билан Ўртоқ Беляев қуйидаги ёркин фактларни келтиради. Саноат ишлаб чиқаришнинг даражаси жиҳатидан Козогистон ССР Туркия каби мамлакат ўёқда турсин, ҳатто Европадаги кўпгина буржуа давлатларидан ҳам жуда ўзиб кетди. Туркиянинг аҳолисига нисбатан уч баравар кам аҳолиси бўлган Козогистон пўлатни бир ярим баравар кўп, электр қувватини тўрт баравар кўп ишлаб чиқармоқда ва кўмирни беш баравар кўп қазиб чиқармоқда. Покистоннинг аҳолиси Козогистон ССР аҳолисига қараганда ўн баравар кўп бўлгани ҳолда, Покистонда ҳам Козогистон ССР дагига қараганда пўлат 23 баравар кам, электр қуввати 20 баравар кам ишлаб чиқарилмоқда, кўмир 54 баравар кам қазиб чиқарилмоқда.

Ўртоқ Беляев СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик планида қардош республикалардаги халқларнинг манфаатлари ҳар томонлама ҳисобга олинганлигини таъкидлаб, бу етти йилликда Қозогистон халқ хўжалигининг кенг миқёсда ривожлантирилишига тўхталиб ўтди.

Республика саноатининг ялпи маҳсулоти 2,7 баравар кўпайтирилади. Капитал мабл

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Свердлов области Совет ҳокимияти йилларида мамлакатнинг йирик индустриал ва илмий базасига айланди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш областда 1913 йилга нисбатан 79 баравар, машинасозлик ва метални ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 800 баравар кўпайди. Партия XX съездидан кейин иш айниқса муваффақиятли бўлди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг ўзи урушдан илгариги, 1940 йилдаги ишлаб чиқариш ҳажмидан бир ярим баравар кўп бўлди. Уч йил ичида Свердлов машинасозлари беш юздан ортиқ янги хил машина, ускуна ва аппаратлар, шу жумладан йилига 3 миллион тонна прокат берадиган блюминг, чўмичиниг ҳажми 25 кубометр ва стреласининг узунлиги 100 метр бўлган одимловчи экскаватор, 6,5 метр диаметрлик шахта стволларини қазиш учун проходка агрегати сингари уникаль машиналарни яратдилар ва ўзлаштирдилар.

Область меҳнаткашлари шу даврнинг ичида тўрт миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой олдилар.

Бироқ, дейди сўнгра Ўртоқ Кириленко, саноатда ва қурилишда ускуналар кўплаб бекор туриб қолмоқда, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатлар, бракдан зиён кўриш ҳоллари учрамоқда, қўл меҳнатидан кўп фойдаланилмоқда. Техника тараққиётининг бир қанча масалалари суст ҳал қилинмоқда. Партия ташкилоти ўз эътиборини ва барча меҳнаткашлар эътиборини бу ва шу каби камчиликларни тезроқ бартараф қилишга, область ишлаб чиқариш кучларини янада тезроқ ривожлантиришга йўналтираётир.

Свердловск корхоналарида етти йилликда саноат маҳсулотини камида 65 процент кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини 54-56 процент ошириш вазифаси қўйилган. Янги қурилишлар ва заводлар реконструкциясининг ўзига қирқ миллиард сўмдан зиёдроқ — сўнгги 15 йилда сарфланганидан кўпроқ капитал маблағ сарфланади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезислари муҳокама қилинаётган пайтда область меҳнаткашлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган бир қанча таклифлар киритдилар. Хусусан, чўян эритишни СССР Госплани мўлжалдагига қараганда 2 миллион тонна кўпайтириш ва шунга мос тарзда пўлат ҳамда прокат ишлаб чиқаришни кўпайтириш таклиф қилинди. Бунинг учун Нижне-Тагил металлургия комбинати ҳамда Качканар тог-бойитиш комбинатининг иккинчи навбатини ривожлантириш масаласини ҳал қилиш талаб этилади. Ҳисоботлар бу тадбирнинг фойдали эканлигини кўрсатади, чунки бир тонна металл учун сарфланадигган капитал маблағ ва унинг таннархи лойиҳада кўзда тутилаётган бошқа корхоналардагига нисбатан 25 процент кам бўлади.

Областдаги мавжуд заводларни кенгайтириш ҳисобига алюминий ва мис ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида ҳам таклифлар киритилган эди. Бунда металлнинг таннархи янги корхоналар учун планлаштирилаётганидан арзонроқ бўлади. Бундай резервларни четлаб ўтиш мумкин эмас.

Ўртоқ Кириленко айтдики, шу етти йилликда Уралмаш заводида рекордлик иш унумини таъминлайдиган ва автоматлаштирилган блюминг ишлаб чиқарилади. Чўмичининг ҳажми 50 кубометр ва стреласининг узунлиги 125 метр бўлган одимловчи экскаватор ҳам тайёрланади. «Уралэлектроаппарат» заводи Красноярск ГЭСи учун энг қудратли — 300 минг киловаттлик гидрогенератор ишлаб чиқаради. Кимё саноати учун 150 дан ортиқ янги машина ва аппаратлар намуналарини яратиш кўзда тутилади.

Областда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш мўлжалланади. Етти йилда 11 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой қурилади. Бу эса бундан илгариги 30 йил ичида қурилган уй-жойга тенгдир.

Областда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Лекин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш даражаси талабга сира жавоб бермайди. Область меҳнаткашлари Рязань области қишлоқ хўжалик ходимларининг чақириғига жавобан шу йилнинг ўзидаёқ колхоз ва совхозларда гўшт етиштиришни 2,2 баравар кўпайтиришга, шунингдек сут ва тухум етиштиришни анча кўпайтиришга қарор қилдилар. Бу йил ҳар юз гектар экин майдони ҳисобига 78 центнер гўшт ва 284 центнер сут олинади.

Свердловск партия ташкилоти, деди нотиқ ўз сўзининг охирида, партия XXI съездига ҳар қачонгидан ҳам жиғлашган ҳолда, партия ва ҳукуматнинг ҳар қандай топшириқларини бажаришга доим тайёр ҳолда келдилар.

Ўртоқ **А. И. Хворостухин** (Тула партия ташкилоти) ўз нутқида бундай деди: Ватанимиз партиясининг XX съездидан кейин ўтган уч йил ичида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлида янги катта қадам қўйди. СССРнинг асосий иктисодий вазифасини, яъни аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини ҳал этиш йўлида олга қадам қўйилди. Халқимизнинг фаровонлиги анча ошди.

Совет кишилари етти йиллик планнинг буюк режаларини амалга ошириш учун янада зўр ғайрат билан киришмоқдалар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларининг халқ ўртасида қизғин муҳокама қилинганлиги буни исбот этади. Тула областининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш контроль рақамларининг ҳар бир сатри устида қизғин фикр юритдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларининг муҳокамаси, деб сўзини давом эттирди нотиқ, партия ва халқ бузилмас бирлигининг ёрқин намоёнишига, Тула область меҳнаткашларининг янги, янада катта муваффақиятларни қўлга киритишга тайёр эканлигини кўрсатувчи намойишга айланди.

Сўнгра нотиқ область меҳнаткашларининг партия съездига тайёрлаган ишлаб чиқариш совғалари тўғрисида гапиради. Бундай совғалар оз эмас. Москва атрофидаги кўмир ҳавзасининг кончилари пландан ташқари бир миллион тонна кўмир чиқардилар. Корхоналарда янги машиналар ва буюмларнинг 60 хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ўртоқ Хворостухин саноат ва қурилишни бошқаришнинг қайта ташкил этилганлиги ишга самарали таъсир кўрсатганлиги тўғрисида гапиради. Бу тадбир бир қанча йирик корхоналарни жуда қисқа вақт ичида реконструкциялаш имконини берди. Сталиногорск кимё комбинати биринчи навбатининг реконструкция қилинганлиги, илгари Уралнинг ҳоташе сифатида ишлатилган металлургия кокси ўрнига табиий газдан аммиак ишлаб чиқариш ўюштирилганлиги айниқса катта аҳамиятга эгадир. Бу тадбир Совет Иттифоқида биринчи марта амалга оширилди. Шу билан бирга бир тонна аммиакнинг таннархи қариб 6 икки баравар камайди. Табиий газдан аммиак ишлаб чиқаришга ўтиш йилига 100 миллион сўмга якин маблағни тежаш имконини берди. Бу тадбир комбинатда мураккаб донадор ўғитлар ишлаб чиқаришни ўюштириш имкониятини туғдирди.

Коммунистик қурилишни авж олдириш программасидан илҳомланган область кимё саноатининг ходимлари янги оширилган социалистик мажбурият—Сталиногорск кимё комбинатини табиий газ билан ишлашга кўчиришни Улуғ Октябрнинг 42 йиллигигача тамомила тугаллаш мажбуриятини олдилар. Бу ерда аммиак ишлаб чиқариш қувватини 1962 йилга бориб икки баравар оширишга қарор берилди. Бошқа баъзи кимё корхоналари қурилишини ҳам белгиланган муддатдан олдин тамомлаш мўлжалланди.

Ўртоқ Хворостухин шу муносабат билан кооперативлаштириладган тартибда етказиб берилаётган мураккаб, мукаммал машина-ускуналар юзасидан заказларни муваффақиятли бажариш муҳим эканлигини таъкидлайди. Ана шундай машина ускуналар тайёрлаш ҳақида бериладиган заказлар жой-жойига қараб ҳали тўғри тақсимланмаётир, Давлат план комиссияси бу иш устидан қаттиқ контроль ўрнатиши керак.

Нотиқ областнинг ёқилғи саноатини ривожлантириш масалаларига тўхталиб, партия ташкилотининг кўмир чиқариш процессларини механизациялаштириш йўли билан кўмирнинг таннархини камайтириш учун олиб бораётган кураши ҳақида, меҳнат унумдорлиги соҳасида жаҳон миқёсида бир неча марта рекорд қўйган Москва атрофидаги кўмир ҳавзаси кончиларининг меҳнат зафарлари тўғрисида гапиради. Сўнгра нотиқ областда металл ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қулай шарт-шароит вужудга келтириш тўғрисида сўзлайди ва Давлат план комиссияси Ново-Тула металлургия заводида тугалланган ишлаб чиқариш циклини вужудга келтириш соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқишни тезлаштирсин, деб сўрайди.

Нотиқ қишлоқ хўжалик резервларидан янада кўпроқ фойдаланиш учун белгиланган йўллар ҳақида гапириб, съездни ишонтириб айтадики, Ленинчи Марказий Комитет тевараги маҳкам жипслашган Тула партия ташкилоти меҳнаткашларнинг ижодий активлигини мамлакатимизда коммунизм қуришни авж олдиришдан иборат улуғвор программани бажаришга сафарбар қилиш учун бутун чорани кўради.

Италия Коммунистик партиясининг бош секретари **Пальмиро Тольяттига** сўз берилди. Съезд делегатлари томонидан қизғин кутиб олинган Ўртоқ Тольятти ўз нутқида бундай дейди:

— Италия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети номидан, 2 миллиондан кўпроқ итальян коммунистлари ва комсомоллари номидан, кейинги парламент сайловларида бизни ёқлаб овоз берган қариб 7 миллион итальян гражданлари номидан ва итальян халқининг сизларнинг мамлакатингизни ва ишларингизни чуқур дўстлик, муҳаббат ва миннатдорчилик ҳислари билан кузатиб бораётган ва сизлар социализм мамлакати эканлигингизни ва сизларнинг фаолиятингиз халқлар фаровонлигини оширишга, демократия ва тинчлик ишига ёрдам бераётганлигини яхши билган қисми номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съездига қизғин ва қардошлик саломини олиб келдим.

Ўртоқ Тольятти дейдики, кейинги йилларда итальян коммунистлари ўз фаолиятларида қийин даврни бошларидан кечирдилар ва уларнинг кураш олиб боришлари баъзан анча мушкул бўлди. Лекин улар маъновий ва сиёсий ғалаба қозониб бу қийинчиликлардан ўтиб олдилар.

Ҳозирги вақтда бизни аҳвоқса ташвишга солиши лозим бўлган энг хатарли факт шуки,—деб давом қилди Ўртоқ Тольятти,—Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатлари сингари Италияда ҳам реакция кучлари кенг ҳужумга тайёрланмоқдалар ва бу ҳужум якинлашиб келмоқда. Тинчлик, демократия ва миллий мустақиллик иши ҳозирги кунда ишчилар синфининг ва ишчилар синфи ўюшган авангардининг қўлида эканлигини таъкидлаш ва ўқтириш биз учун ҳеч қачон шунчалик равшан ва шу қадар муҳим бўлмаган эди.

Ўртоқ Тольятти муваффақиятларни, ғалабаларни якунлаётган ва коммунизмга олиб борувчи йўлда олга томон бориш вазифаларини белгилаб бераётган КПСС XXI съездининг иши тўғрисида гапириб бундай деди: Совет экономикасини ривожлантиришнинг янги етти йиллик плани одамларнинг миясида ва хаёлида жуда катта таассурот қолдираётган ва уларни чуқур қайратга солаётган янги истиқболларни фақат сизгагина эмас, шу билан бирга бутун дунёдаги ишчилар синфига, бутун инсониятга ҳам очиб беради. Сизлар космосни забт этиш билан бутун инсониятнинг қалбини ва ақлини ҳам забт этаётирсиз. Бу эса, одамни одам эксплуатация қилиш бўлмайдиган, жамият бойлиги халқники бўлган ва халқ жамиятни фақат ўз манфаатларини кўзлаб идора қиладиган экономика ҳамда жамият қуриш мумкин эмас деб шу қадар узоқ вақтдан бери тинмай даъво қилиб келган сохта олимларга ҳамда капитализм ва империализм малайларига узил-кесил, шафқатсиз зарба бўлиб тушди.

Сизлар зафарли социалистик жамият қуришга киришган вақтдан бошлаб социализм капитализм устидан ўзининг бениҳоя устунлигини исбот қилди. Бугун сизлар эски капиталистик дунёни майдонга чиқишга чақирмоқдасиз, биз шуни яхши биламизки, ер шарининг учдан бир қисмида янги жамият яратаётган сизларнинг ҳаракатингиз, коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳаракати, буюк Хитой Халқ Республикаси ва бошқа халқ-демократияси мамлакатлари халқларининг ҳаракатлари туфайли бу сафар ҳам ғолиб бўлиб чиқасиз. Социализм бутун дунёда устунлик қилувчи иқтисодий ва сиёсий система бўлиб қолади.

Сизларнинг олга томон бу зўр ҳаракатингиз, — деди Ўртоқ Тольятти, — социализм таъсирини, унинг принципларини, унинг амалий муваффақиятларини янада кенгроқ ёйиш учун бизларга, бизнинг мамлакатларимизда ҳам янги истиқболлар очиб беради.

Модомики, сизлар шунчалик ишонч билан ва шу қадар тез олга бораётган экансиз, бизнинг ҳақ эканлигимизни муқаррар исбот қилиб берадиган келажакни кутиб ўтириш билан чекланишимиз мумкин деб ўйлайдиган бўлсак, — деди Ўртоқ Тольятти, — нотўғри иш қилган бўлур эдик. Бундай позиция ниҳоят даражада хато позиция бўлур эди.

Сизларнинг ҳар бир янги ғалабаларингиз умумий ишимизнинг бутун дунёдаги ғалабаси эканлигини биламиз. Лекин биз шуни ҳам биламизки, халқимизни, мамлакатимизни социализм ва коммунизм томонига ўтказиш учун, аввало, ўзимиз ҳаракат қилишимиз ва кураш олиб боришимиз керак, бу эса, биз учун энг муҳим ишдир.

XX съезднинг қарорлари, шунингдек Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва кенгашининг Декларациясида эълон қилинган принциплар, — деди сўнгра Ўртоқ Тольятти, — бизнинг ҳаммамиз учун ишимизга қўшилган қиммат-баҳо ҳисса бўлди, сафларимизнинг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлади. Бу қарорлар ва принциплар душманларимизга қарши яхшироқ курашмоқ учун бизга куч ва қобилият бағишлади, янги дўстона алоқалар боғлашимизга, ревизионизмга ва догматизмга қарши самарали кураш олиб боришимизга, таълимотимизнинг софлигини ҳимоя қилишимизга ва сафларимизда пролетар интернационализмини мустаҳкамлашимизга ёрдам берди. Шу билан бир вақтда бу қарор ва принциплар марксизм-ленинизм таълимотини ривожлантиришимизга ҳамда итальян халқининг энг яхши тўдицияларини ўзига мерос қилиб олган, ишчилар синфини ва халқни демократия ва социализм йўлидан мустақил равишда олиб боришга лаёқатли бўлган партиямиз катта оммавий партия сифатидаги мавқеини сақлаб қолиши ва мустаҳкамлашини таъминламоқ учун марксизм-ленинизм таълимотини бугунги куннинг янги шароитида татбиқ қила боришимизга ёрдам берди.

Шу сабабли биз Ўртоқ Хрушчев докладида коммунистик ва ишчи партиялар Ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принциплари ҳақида айтиб ўтилган гапларни тўла равишда маъқуллаймиз.

Ўртоқ Тольятти съезднинг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ишига, улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида қардошларча жипслашган халқларга муваффақиятлар тилаб бундай деди:

— Сизларнинг янги буюк, ҳал қилувчи ғалабалар қозонишингизни биламиз, Италия ишчилар синфи ва халқи тинчлик ва социализм учун курашга кўп ҳисса қўшувини таъминламоқ учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрамиз.

Ўртоқ **А. Н. Ларионов** (Рязань партия ташкилоти) сўзга чиқади.

— Халқимиз, — дейди у, — коммунизм қурилиши соҳасида улуғ ғалабаларни қўлга киритди. Бу ҳақда Н. С. Хрушчев докладида ёрқин қилиб айтилди. Улуғ Ватанимиз ҳеч қачон ҳозиргидек шу қадар кучли ва қудратли бўлмаган эди. Ҳозир, коммунизм арафасида партиямизнинг халқ билан алоқаси ҳар қачонгидан ҳам чамбарчасдир.

Шу етти йилликда Ватанимиз капитализм билан тинч иқтисодий мусобақада буюк ғалаба қозониши йўлида яшашни, ишлашни, курашишни, ижод қилишни истаймиз. Социалистик экономиканинг мисли кўрилмаган даражада ўсгаплиги, мамлакатимизда совет фани ва маданиятининг барқ уриб ривожланганлиги партиямиз ва унинг ленинчи Марказий Комитети кунт билан, оғишмай амалга оширяётган ленинча бош йўлнинг тантана қилганлигидан яқол далолат бериб турибди.

Маленков, Каганович, Молотов, Булганин, Шепиловларнинг партияга қарши манфур группасини қатъият билан тор-мор келтирган ва йўлимиздан улоқтириб ташлаган партиямиз Марказий Комитетидан совет кишилари чексиз миннатдордирлар. Бу группа партияни левинча йўлдан тойдиришга, партиямиз XX съезди тарихий қарорларининг амалга оширилишига ҳалақит беришга уринган эди.

Партиямиз XXI съезди муҳокама қилаётган етти йиллик план — мамлакатимизда коммунизм қуришни кенг авж олдириб юбориш программасидир. Рязань областининг меҳнаткашлари етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашга актив қўшилдилар. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1953 йил) Пленумигача область қишлоқ хўжалиги жуда қолоқ эди. Эндиликда ахвол кескин ўзгарди. Ўтган йили область давлатга 273 минг тонна ёки 1953 йилдагидан 2,4 баравар кўп сут, 48,4 минг тонна ёки 1953 йилдагидан икки баравар кўп гўшт топширди. Рязань областининг меҳнаткашлари ўз имкониятларини муфассал ҳисоблаб чиқиб, гўшт етиштириш бўйича етти йиллик план топширигини икки-уч йилда бажаришга аҳд қилдилар. Бу—қуруқ гап, шунчаки ваъда эмас, балки жиддий ҳисоботларга асосланган мутлақо реал ишдир. Область колхоз ва совхозлари гўшт етиштиришни шу йилнинг ўзидаёқ 3,8 баравар кўпайтирадилар. Давлатга 150 минг тонна гўшт топширилади. Шу йил область колхоз ва совхозлари 44 минг тонна мол гўшти етиштириш имконини берадиган қорамолни боқиб семиртирадилар.

Нотиқ айтдики, гўшт етиштириш мажбуриятини бажаришнинг асосий ва ҳал қилувчи манбаи чўчқа гўшти бўлиши керак. Область колхоз ва совхозларида камида бир миллион бош чўчқани боқиб семиртириш ва шу йўл билан 85-90 минг тонна чўчқа гўшти олишлари лозим.

Колхоз ва совхозлар бу йил ҳар гектар ердан камида 400 центнер сўтали маккажўхори кўк пояси олиш учун курашни кучайтириб юборадилар. Экин майдонларининг структураси яхшиланмоқда, маккажўхори, картошка, қанд лавлаги, дуккакли экинлар, йўнғичқа, вика, беда экин майдонлари кам ҳосил экинларни сиқиб чиқариш ҳисобига кескин кўпайтирилади.

Рязань қишлоқларида ҳеч вақт шу қадар кўтаринки руҳ, ижодий активлик бўлмаган эди, дейди Ўртоқ Ларионов, қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун курашда ҳамма якдил бўлиб отланди. Съезд бошланишидан олдинги 20 кун ичида Шилов районидаги «Фундамент социализма» колхози партия ташкилотидан намуна олиб, икки мингдан ортиқ коммунист чорвачилик фермаларида ишлашга келди.

Ўртоқ Ларионов ўз нутқининг охирида Рязанда саноат корхоналари қурилишининг катта миқёси ҳақида гапириб, съездни ишонтириб айтдики, рязанликлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар, мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига мунаб сиб ҳисса қўшадилар.

Франция коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари **Жак Дюкло** минбарга чиқади. Съезд қатнашчилари самимий кутиб олган Жак Дюкло Франция Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, Франция ишчилар синфи ва меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съездига самимий салом топширади.

Совет Иттифоқида, дейди Ўртоқ Жак Дюкло, саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида ҳам, маориф, фан ва техникани ривожлантириш соҳасида ҳам эришилган муваффақиятлар ҳамма жойда меҳнаткашларнинг ҳавасини ошириб юборди. Барча прогрессив кишилар Совет Иттифоқининг муваффақиятларини жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган ғалаба сифатида табриклямоқдалар. Совет Иттифоқининг олимлари, техниклари ва ишчилари Қуёшнинг сунъий йўлдошини учириш билан инсониятнинг энг мардонавор орзуларидан бирини рўёбга чиқардилар ва бу билан инсониятга келажакнинг порлоқ истиқболларини очиб бераётган социализмнинг ижодий куч-қудратини намойиш қилдилар. Етти йиллик планнинг амалга оширилиши барча мамлакатлардаги юз миллионларча эркак ва хотин-қизларга социализм уларнинг манфаатларига муносиб эканлигини яна бир марта кўрсатади.

Ўртоқ Дюкло таъкидлаб айтганидек, Совет Иттифоқидаги аҳвол билан капиталистик мамлакатлардаги аҳвол Ўртасидаги катта тафовут тобора яққол кўринмоқда. Биз Советлар мамлакатида социалистик демократиянинг гуллаб яшнаганлигини, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси доимо ўсиб бораётганлигини кўриб турибмиз. Айни вақтда капиталистик мамлакатларда, ва, жумладан, иқтисодий тушкунлик ҳалокатли оқибатларга олиб келаётган Францияда ҳам меҳнаткашларни эксплуатация қилиш авж олдирилмоқда, меҳнаткашлар тобора қашшоқлашмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқдаги бутун меҳнаткаш аҳолининг турмуш шароити оғирлашмоқда, демократик эркинликлар шафқатсиз поймол этилмоқда, фашизм хавфи пайдо бўлмоқда. Ана шундай қийинчиликлар рўй берган бир вазиятда, деди Ўртоқ Дюкло, бизнинг партиямиз халқ манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган миллатнинг чин манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилишни пролетар интернационализми принципларига чексиз садоқат билан маҳкам боғлаб олиб бориб, ўз курашини давом эттирмоқда.

Бизнинг партиямиз ўз тарихининг бутун давомида шовинизм ва ирқчилик идеологиясининг манбаи бўлган мустамлакачиликка қарши жуда қаттиқ кураш олиб боришга мажбур бўлди. Бизнинг партиямиз ўзини мустамлакачилар зулмидан озод қилиш учун кураш олиб бораётган халқлар билан доим ҳамкор бўлиб келди. Бизнинг партиямиз репрессиялар зарбасидан ҳеч қачон чекинмади, вазият талаб қилган пайтда ҳеч иккиланмай оқимга қарши борди.

Ўртоқ Дюкло ўз нутқининг бир қисмини Жазоир проблемасига бағишлади. Бизнинг партиямиз, деди у. Жазоирдаги уруш миллатнинг чин манфаатларига хилоф эканлигини тушунтириб келмоқда. Бу уруш Франциянинг жаҳон миқёсидаги обрўсига зарар етказишгина қолмай, балки шу билан бирга унинг экономикасини ҳам емиради. Бундан ташқари, бу уруш Франция ҳукуматини АҚШга кўпроқ қарам бўлиб қолишга ва ўз ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлашни Франциядан талаб этаётган Ғарбий Германиядан қарз сўраша мажбур этади.

Деголлизм шиори остида бирлашган мустамлакачилар ва фашистлар давомида ҳокимиятни қўлга киритишга ва ирқчилик диктатурасини ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Лекин Франция коммунистлари ва ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар этибориди бу ва шу каби камчиликларни тезроқ бартараф қилишга, область ишлаб чиқариш кучларини янада тезроқ ривожлантиришга йўналтираётир.

Ўртоқ Дюкло ўз нутқининг охирида Рязанда саноат корхоналари қурилишининг катта миқёси ҳақида гапириб, съездни ишонтириб айтдики, рязанликлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар, мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига мунаб сиб ҳисса қўшадилар.

Франция коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари **Жак Дюкло** минбарга чиқади. Съезд қатнашчилари самимий кутиб олган Жак Дюкло Франция Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, Франция ишчилар синфи ва меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съездига самимий салом топширади.

Совет Иттифоқида, дейди Ўртоқ Жак Дюкло, саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида ҳам, маориф, фан ва техникани ривожлантириш соҳасида ҳам эришилган муваффақиятлар ҳамма жойда меҳнаткашларнинг ҳавасини ошириб юборди. Барча прогрессив кишилар Совет Иттифоқининг муваффақиятларини жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган ғалаба сифатида табриклямоқдалар. Совет Иттифоқининг олимлари, техниклари ва ишчилари Қуёшнинг сунъий йўлдошини учириш билан инсониятнинг энг мардонавор орзуларидан бирини рўёбга чиқардилар ва бу билан инсониятга келажакнинг порлоқ истиқболларини очиб бераётган социализмнинг ижодий куч-қудратини намойиш қилдилар. Етти йиллик планнинг амалга оширилиши барча мамлакатлардаги юз миллионларча эркак ва хотин-қизларга социализм уларнинг манфаатларига муносиб эканлигини яна бир марта кўрсатади.

Ўртоқ Дюкло таъкидлаб айтганидек, Совет Иттифоқидаги аҳвол билан капиталистик мамлакатлардаги аҳвол Ўртасидаги катта тафовут тобора яққол кўринмоқда. Биз Советлар мамлакатида социалистик демократиянинг гуллаб яшнаганлигини, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси доимо ўсиб бораётганлигини кўриб турибмиз. Айни вақтда капиталистик мамлакатларда, ва, жумладан, иқтисодий тушкунлик ҳалокатли оқибатларга олиб келаётган Францияда ҳам меҳнаткашларни эксплуатация қилиш авж олдирилмоқда, меҳнаткашлар тобора қашшоқлашмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқдаги бутун меҳнаткаш аҳолининг турмуш шароити оғирлашмоқда, демократик эркинликлар шафқатсиз поймол этилмоқда, фашизм хавфи пайдо бўлмоқда. Ана шундай қийинчиликлар рўй берган бир вазиятда, деди Ўртоқ Дюкло, бизнинг партиямиз халқ манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган миллатнинг чин манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилишни пролетар интернационализми принципларига чексиз садоқат билан маҳкам боғлаб олиб бориб, ўз курашини давом эттирмоқда.

Бизнинг партиямиз ўз тарихининг бутун давомида шовинизм ва ирқчилик идеологиясининг манбаи бўлган мустамлакачиликка қарши жуда қаттиқ кураш олиб боришга мажбур бўлди. Бизнинг партиямиз ўзини мустамлакачилар зулмидан озод қилиш учун кураш олиб бораётган халқлар билан доим ҳамкор бўлиб келди. Бизнинг партиямиз репрессиялар зарбасидан ҳеч қачон чекинмади, вазият талаб қилган пайтда ҳеч иккиланмай оқимга қарши борди.

Ўртоқ Дюкло ўз нутқининг бир қисмини Жазоир проблемасига бағишлади. Бизнинг партиямиз, деди у. Жазоирдаги уруш миллатнинг чин манфаатларига хилоф эканлигини тушунтириб келмоқда. Бу уруш Франциянинг жаҳон миқёсидаги обрўсига зарар етказишгина қолмай, балки шу билан бирга унинг экономикасини ҳам емиради. Бундан ташқари, бу уруш Франция ҳукуматини АҚШга кўпроқ қарам бўлиб қолишга ва ўз ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлашни Франциядан талаб этаётган Ғарбий Германиядан қарз сўраша мажбур этади.

Деголлизм шиори остида бирлашган мустамлакачилар ва фашистлар давомида ҳокимиятни қўлга киритишга ва ирқчилик диктатурасини ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Лекин Франция коммунистлари ва ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар этибориди бу ва шу каби камчиликларни тезроқ бартараф қилишга, область ишлаб чиқариш кучларини янада тезроқ ривожлантиришга йўналтираётир.

Ўртоқ Дюкло ўз нутқининг охирида Рязанда саноат корхоналари қурилишининг катта миқёси ҳақида гапириб, съездни ишонтириб айтдики, рязанликлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар, мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига мунаб сиб ҳисса қўшадилар.

Францияда

Партия ва халқ бирлигининг ёрқин намойиши

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатиш бошланди. Кеча Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-фабрикасида ишчи ва хизматчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатишга бағишланган сайловолди йиғилиши бўлди. **Суратда:** мажлис залининг умумий кўриниши. Минбарда 2-цех бошлиғи ўртоқ **А. Хайтметов**.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатилмоқда

29 январда ғоят баланд сиёсий руҳ билан Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатишга бағишланган дастлабки сайлов олди йиғилишлари бўлиб ўтди.

Йиғилишларнинг қатнашчилари партия ва халқнинг моналит бирлигини, коммунистлар билан партиясизлар блокининг мустаҳкам қучини намойиш қилганлари ҳолда, Коммунистик партия етакчилигида совет кишилари эришган улуғвор тарихий ғалабалар тўғрисида, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида фахрланиб сўзламоқдалар. Барча иттифоқчи республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ССР экономикаси ва маданияти мисли кўрилмаган даражада ўсганлиги ленинча миллий сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўзларининг кандидатлари қилиб механиткашлар халқнинг Ватанга, Коммунистик партиянинг улуғ ишига садоқатли бўлган энг яхши ўғил ва қизларини кўрсатмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг биринчи йигирув-тўқув фабрикасида бўлган сайлов олди йиғилишига жуда кўп киши тўпланди. Тўқимачилар кўп минг кишилик коллективининг фикр ва туйғуларини ифодалаб, техник А. Хайтметов бундай деди:

— Бизнинг мамлакатимиз ҳозир ажойиб кунларни бошидан кечирмоқда. Барча совет кишиларининг, бутун прогрессив инсониятнинг кўзи Москвага, партиянинг XXI съезди — коммунизм қурувчилар съездига тикилган.

Бу тарихий кунларда совет кишилари мамлакатни Ленин йўлидан далил бошлаб бораётган жонажон Коммунистик партияга бўлган чексиз муҳаббати ва садоқатини намойиш қилиб кўрсатмоқдалар. Биз партияни ва унинг Ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтамизки, бизнинг ҳар биримиз коммунистик жамият қурилишида янгидан-янги катта муваффақиятларга эришиш учун ўз кучларимизни аямаймиз.

А. Хайтметов тўпланган кишиларнинг гулдурос қарсаклари остида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб Тошкент шаҳар Дзержинский сайлов округидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ **Никита Сергеевич Хрушчевни** кўрсатишни таклиф этади.

Инженер В. К. Михрина бу таклифни қизғин қувватлаб, ўз навбатида фабриканинг донгдор тўқувчиси, КПСС XXI съездининг делегати **Садди Пўлатовани** республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатди.

Ремонтчи А. Ўрунбоев ва комбинат партия комитети секретарининг ўринбосари А. Усмонов киритилган таклифларни қувватлаб чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари қабул қилинган қарорда Дзержинский сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб **Никита Сергеевич Хрушчев** ва **Садди Пўлатова** ўртоқларни якдиллик билан тавсия этдилар. Фабрика коллективи сайлов кунигача пландан ташқари 150 минг метр газлама ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Йиғилиш қатнашчилари округ сайлов олди кенгашларига ўз вакилларини сайладилар.

Педагогика институтининг профессорлари, ўқитувчилари ва студентлари, Дзержинский сайлов округидаги бошқа корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларининг коллективлари ҳам Н. С. Хрушчев ва С. Пўлатова ўртоқларни кандидат қилиб кўрсатдилар.

Янгийўл районидаги К. Маркс номли ва Ф. Энгельс номли колхозларда бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишларида юзлаб пахтакорлар, механизаторлар, чорвадорлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари қатнашдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари Янгийўл қишлоқ сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси Ўртоқ **Никита Сергеевич Хрушчевни** кўрсатишни таклиф этди.

Инженер В. К. Михрина бу таклифни қизғин қувватлаб, ўз навбатида фабриканинг донгдор тўқувчиси, КПСС XXI съездининг делегати **Садди Пўлатовани** республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатди.

Ремонтчи А. Ўрунбоев ва комбинат партия комитети секретарининг ўринбосари А. Усмонов киритилган таклифларни қувватлаб чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари қабул қилинган қарорда Дзержинский сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб **Никита Сергеевич Хрушчев** ва **Садди Пўлатова** ўртоқларни якдиллик билан тавсия этдилар. Фабрика коллективи сайлов кунигача пландан ташқари 150 минг метр газлама ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Йиғилиш қатнашчилари округ сайлов олди кенгашларига ўз вакилларини сайладилар.

Педагогика институтининг профессорлари, ўқитувчилари ва студентлари, Дзержинский сайлов округидаги бошқа корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларининг коллективлари ҳам Н. С. Хрушчев ва С. Пўлатова ўртоқларни кандидат қилиб кўрсатдилар.

Фарғона пиллакашлик фабрикасининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Совет ҳукумати бошлиғи **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Убайдулла Абдуллаевни** Жданов сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатди.

Андижон область. Хўжаобод районидаги Ворошилов номли колхознинг аъзолари Хўжаобод сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари **Алексей Илларионович Кириченко** ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Роман Ефимович Мельников** тавсия этилди.

«Оққўрғон» пахтачилик совхозининг ишчи ва хизматчилари Ўзларининг сайлов олди йиғилишида Сталин сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Николай Григорьевич Игнатовни** ҳамда республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари **Мирзаали Валиевич Муҳаммаджоновни** кўрсатдилар.

Қўқон паровоз депоси коллективининг йиғилиши Темирйўл сайлов округидан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Нуриддин Акрамович Муҳитдиновни** ва шу депонинг илғор машинисти **Обид Нурматовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатишга қарор қилди.

«Чимён» нефть конининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Чимён сайлов округидан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Андреевич Сусловни** ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари **Ёдгор Содиқовна Насриддиновани** республика Олий Совети депутатлигига ўз кандидатлари қилиб кўрсатдилар.

Фарғона пиллакашлик фабрикасининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Совет ҳукумати бошлиғи **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Убайдулла Абдуллаевни** Жданов сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатди.

Андижон область. Хўжаобод районидаги Ворошилов номли колхознинг аъзолари Хўжаобод сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Климент Ефремович Ворошиловни** ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раисининг ўринбосари **Игорь Васильевич Бабкони** тавсия этдилар.

Андижон паровоз депоси коллективининг йиғилишида қабул қилинган қарорда Андижон шаҳар Темирйўл сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчев** ва донгдор машинист **Нуъмон Ҳамроқулов** кўрсатилди.

Урганч—қишлоқ сайлов округидан Урганч районидаги Калинин номли колхозда бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишида республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Климент Ефремович Ворошилов** ва Хоразм область ижроия комитетининг раиси **Жуманиёз Ёқубов** кўрсатилди.

Самарқандаги «Красный двигатель» заводи коллективининг йиғилиши Шауман сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва шу корхонанинг илғор токари, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси **Мария Никитична Маркинани** кўрсатишга қарор қилинди.

«Кегайли» совхозининг ишчи ва хизматчилари Кегайли сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўз кандидатлари қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Климент Ефремович Ворошиловни** ва Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Матеке Жуманазаровни** кўрсатдилар.

Нукус шаҳар сайлов округидан Нукус мотор-ремонт заводининг коллективи КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Анастас Иванович Микоянни** ва шу корхона қуйиш цехининг старший мастери **Худойназар Реимназаровни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатди.

Қарши темирйўл станцияси коллективи ўзининг сайлов олди йиғилишида Посёлка сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Нуриддин Акрамович Муҳитдиновни** ва Қарши паровоз депосининг донгдор слесари **Сергей Панкратьевич Поповни** кўрсатишга қарор қилди.

Қашқадарё область, Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз биринчи ва иккинчи бўлимларининг ишчи ва хизматчилари Чиял сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Климент Ефремович Ворошилов** ва Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси **Асад Рахматуллаевни** кўрсатишга қарор қилдилар.

Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги Калинин номли колхоз азолариннг сайлов олди йиғилиши Шаҳрисабз қишлоқ сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари **Маннап Ғуломовни** кўрсатишга қарор қилди.

Бухоро область. Олот районидаги Сталин номли колхознинг аъзолари Олот сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Екатерина Алексеевна Фурцевани** ва шу райондаги Жуманазар қишлоқ Советининг раиси **Знамгул Шукуровани** кўрсатдилар. (ЎзТАГ).

ЖАҲОН МИҚЁСИДА ЖУДА КАТТА ВОҚЕА

☆

Коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси

ПЕКИН, 28 январь (ТАСС). «Бэйцзин Ваньбао» номли кечки газета бугун ёзади: XXI съездда Ўртоқ Н. С. Хрушчев томонидан баён этилган коммунистик қурилиш улуғвор программаси Совет Иттифоқининг капиталистик мамлакатлар билан тинч мусобақанинг ҳал қилувчи даврига кирганлигидан дарак беради. Етти йиллик план бутун жаҳон халқлари олдида СССРнинг қудратини ва коммунистик жамиятнинг гўзал истиқболларини янада равшан қилиб очиб беради.

Етти йиллик план ялпи саноат маҳсулоти ҳажмининг 80 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 70 процент ўсишини, миллий даромаднинг 62-65 процент ўсишини ҳамда аҳолининг ҳақиқий даромадлари 40 процент кўпайтирилишини кўзда тутганлигини эслатиб ўтиб, газета ўсишнинг бу юксак кўрсаткичларидан айниқса кейинги йилларда Совет Иттифоқининг иқтисодий қудрати мислсиз ўсганлиги ва Совет Иттифоқи халқларининг фаровонлиги янада яхшиланганлиги яққол кўриниб турибди, деб ёзади.

Хитой халқи, деб ёзади пировардида «Бэйцзин Ваньбао», Совет Иттифоқининг коммунизм сари ғоят катта қадам қўйганлигини қизғин табриклайди.

ПЕКИН, 28 январь. (ТАСС). КПСС XXI съезди кўп миллионли бутун хитой халкининг диққат марказида турибди. Бугун «Жэньминь жибао», «Дагун оао», «Гуанмин жибао» газеталари ва бошқа газеталар съезднинг очилиши тўғрисидаги хабарларни биринчи саҳифаларида катта сарлавҳалар билан эълон қилмоқдалар, съезднинг мажлислар зали фотосуратларини босиб чиқармоқдалар. КПСС Марказий Комитети биринчи секретари Н. С. Хрушчев докладининг муфассал баёнини ҳамма газеталар босиб чиқармоқда. Газеталар Совет Иттифоқи экономикаси, фан ва маданиятининг муваффақиятлари тўғрисидаги мақолаларда ва хабарларни, коммунизм қурувчилар съезднинг очилиши тўғрисида қардош социалистик мамлакатлар матбуотида баён этилган фикрларни ҳам босиб чиқармоқдалар.

Коммунизм қурувчиларга салом

СОФИЯ, 28 январь. (ТАСС). Болгарияда чиқадиган ҳамма марказий газеталар: «Буюк КПССга шон-шарафлар!», «Салом сизларга, коммунизм қурувчилар!», «Қатъийлиги жиҳатидан тарихда тенги йўқ буюк программа» деган катта сарлавҳалар остида КПСС XXI съезднинг очилиши ҳақидаги хабарларни ва Н. С. Хрушчевнинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида»ги докладининг батафсил баёнини босиб чиқардилар. Газеталар Н. С. Хрушчевнинг: ўтган давр КПСС XX съезди қарорларининг СССРда коммунистик қурилиш учун ҳам, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бутуниси учун ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатди. Ҳозир социализм дунёси ҳар қачонгидан кўра мустаҳкам, бир тан бир жон ва бузилмас бўлиб қолди, совет халқи социалистик лагернинг барча мамлакатларидаги халқлари билан маҳкам жипслашиб олга қараб бормоқда, социализм қучлари қудратли бўлиб қолди, улар кун сайин ўсиб бормоқда ва истиқболи уларнинг қўлидадир, деган сўзларини газеталар алоҳида кўрсатиб бермоқдалар.

«ЖАҲОН МИҚЁСИДА СИЁСИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ВОҚЕА»

БОНН, 27 январь. (ТАСС). КПССнинг навбатдан ташқари XXI съезди Ғарбий Германияда чиқадиган турли оқимдаги буржуа газеталаридаги хабарлар ва шарҳларнинг асосий темаларидан биридир. Газеталар СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги етти йиллик плани съезднинг диққат марказида турганлигини таъкидлаганлари ҳолда, бу съезд катта ички сиёсий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, шу билан бирга ташқи сиёсий аҳамиятга ҳам эга эканлигини эътироф этишга мажбур бўлмоқдалар.

«Франкфуртер рундшау» газетаси бугунги бош мақоласида КПСС XXI съезди социалистик лагерь мамлакатларининг эътиборинигина эмас, балки «бутун жаҳон жамоатчилигининг ҳам зўр эътиборини» жалб этмоқда, деб таъкидлайди. «СССР иқтисодий тараққиётининг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» деган қисқа сарлавҳа, — деб ёзади газета, — шундай, буюк планнинг биринчи қисмини ўз ичига олганки, бу планнинг бажарилиши Совет Иттифоқини Ғарбдаги йирик индустриал давлатлар билан бир қаторга қўяди ва ҳатто унга бу давлатлардан ўзиб кетишга имкон беради».

«Франкфуртер рундшау» ёзадики, Совет Иттифоқи иқтисодий тараққиётни давом эттириш планларини бажариш учун «ташқи сиёсий осойишталик» сақланишига манфаатдордир. Бу эса, дейилади мақолада, унинг «тинч-тотув яшаш» сиёсатига ишонч туғдиради. «Шу сабабли, — деб ёзади газета, — партиянинг бу съезди жаҳон миқёсида ҳам сиёсий аҳамиятга эга».

☆ ☆ ☆

КОРЕЯ ХАЛҚИ СЪЕЗДНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

ПХЕНЬЯН, 28 январь. (ТАСС). Кореяда чиқадиган марказий газеталар — «Нодон синмун», «Минчжу чосон» газеталари КПСС XXI съезднинг очилиши тўғрисидаги хабарларни кўринарли жойларда босиб чиқармоқдалар, шунингдек Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг батафсил баёнини эълон қилмоқдалар.

Съезднинг очилиши тўғрисидаги хабар ва Н. С. Хрушчев докладининг баёни Пхеньян радиоси орқали ҳам эшиттирилди.

Матбуотнинг хабар беришича, КПСС навбатдан ташқари XXI съезднинг очилиши муносабати билан касаба союзлари Умум Корея федерациясининг Марказий Комитети, Корея демократик ёшлар союзининг Марказий Комитети ва Корея демократик хотин-қизлар союзининг Марказий Комитети Совет Иттифоқининг тегишли ташкилотларига табрик телеграммалари юборишдилар.

Телеграммаларда таъкидланадики, СССР да коммунистик қурилиш планини муҳокама қилувчи КПСС XXI съезди совет халқи учун, бутун дунё халқларининг тинчлик, демократия ва социализм йўлидаги кураши учун ғоят катта тарихий аҳамиятга эгадир, у корейс халқини янги ғалабаларга руҳлантирмоқда.

Совет халқининг ҳамма ишлари тинчлик, тараққиёт ва инсониятнинг бахтли келажаги ишига хизмат қилмоқда

БУДАПЕШТ, 28 январь. (ТАСС). КПСС XXI съезди ва Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклади бутун Венгрия матбуотининг диққат марказида турибди.

Газеталар съезднинг очилиши тўғрисида чет элларда баён этилган фикрларни, Н. С. Хрушчевнинг ва съезд қатнашчиларининг фотосуратларини ҳамда бошқа материалларни босиб чиқармоқдалар.

Съезднинг очилиши мамлакат заводлари ва корхоналарида меҳнат ғайратининг ўсишига сабаб бўлди. Чепель комбинатининг меҳнаткашлари, Будапешт темир йўлчилари, Ноград шахтерлари ва Венгриядаги бошқа кўпгина корхоналарнинг ишчилари съезд шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Меҳнаткашлар съезд номига табрикномалар юбормоқдалар. КПСС XXI съезди, дейилади Георгиу-Деж номидаги Будапешт кемасозлик заводи меҳнаткашларининг телеграммасида, совет халқи учунгина эмас, балки венгер халқи учун ҳам порлоқ перспективалар очиб бермоқда. Биз аминмизки, совет халқи етти йиллик плани муваффақият билан амалга оширади. Совет халқининг ҳамма ишлари тинчлик, тараққиёт ишига, бутун инсониятнинг бахтли келажагига хизмат қилмоқда.

КПСС XXI СЪЕЗДИНИНГ ИШИГА ЯПОНИЯДА ЗЎР ҚИЗИКИШ

ТОКИО, 28 январь. (ТАСС). Японияда КПСС XXI съезднинг ишига қизиқиш шунчалик зўрки, бутун Япония матбуотида бу съезд ҳақидаги материаллар чет эллардан олинган бошқа ҳамма хабарларга ўрин қолдирмаётир. Газеталарнинг ҳамма биринчи саҳифалари, баъзи газеталарнинг эса иккинчи саҳифалари ҳам съезд иши ҳақидаги хабарларга бағишланган.

Газеталар Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг батафсил баёнини эълон қилмоқдалар, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик планини кенг шарҳламоқдалар. Япония матбуоти Узоқ Шарқда тинчлик зонасини вужудга келтириш зарурлиги тўғрисида докладда айтилган таклифга алоҳида эътибор бермоқда. Японияда чиқадиган газеталарнинг деярлик ҳаммаси съезд ишига доир хабарларни «Совет Иттифоқи Узоқ Шарқда ва Тинч океан районида тинчлик зонаси вужудга келтириши таклиф этмоқда» деган сарлавҳа остида чиқардилар.

«Майници» газетаси Н. С. Хрушчев докладини шарҳлаб, Совет Иттифоқи ядро ва ракета қуроли синовларини, бу қуролларнинг ишлаб чиқарилишини ва қўлланилишини тақиқлашга, қуролсизланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишга, социал системалари турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшашига даъват этади, деб таъкидлайди. Газета СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани лойиҳасига тўхталиб, Совет Иттифоқи ўз олдига улуғвор вазифаларни қўйди, деб уқтириб ёзади. Ҳамма газеталар, бу план капиталистик дунёни экономикани тинч ривожлантириш учун мусобақалашишга чақирувчи даъват, деб таъкидлармоқдалар.

СЪЕЗД ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАРЛАР АМЕРИКА ГАЗЕТАЛАРИНИНГ БИРИНЧИ САҲИФАЛАРИДА

НЬЮ-ЙОРК, 28 январь. (ТАСС). Эрталаб чиқадиган «Нью-Йорк таймс» ва «Нью-Йорк геральд трибюн» газеталари КПСС навбатдан ташқари XXI съезднинг очилиши тўғрисида Москвадаги ўз мухбирларининг хабарларини биринчи саҳифаларида босиб чиқардилар. Газеталарда «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» тўғрисида Н. С. Хрушчевнинг докладининг баёни эълон қилинган. Шу билан бирга докладнинг ташқи сиёсатга доир қисмига катта эътибор берилиб, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планининг асосий хусусиятлари ва контроль рақамлари ҳақида жуда кам ёзилмоқда. Масалан, «Дейли миррор» газетаси Ассошиэйтед Пресс агентлиги Москвадаги мухбирининг ахборотидан етти йиллик планни характерлайдиган ҳамма асосий маълумотларни чиқариб ташлаган.

Газеталар ўз сарлавҳаларида Н. С. Хрушчевнинг Совет Иттифоқида қитъаларараро баллистик ракеталарни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилганлиги тўғрисида айтган сўзларига этиборни жалб этмоқдалар. «Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси ракета қуролини ривожлантириш соҳасида АҚШ Совет Иттифоқидан АҚШ да эътироф этилганидан кўра анча кўпроқ кейинда қолмоқда, деб таъкидлайди.

Докладнинг ташқи сиёсат қисми баёнида Н. С. Хрушчев докладининг Берлин масаласига, қуролсизланиш ва Совет-Америка муносабатлари проблемалари ҳақидаги бобларига катта эътибор берилади.

ПОКИСТОН ШОИРИНИ ЁҚЛАЙМИЗ

Биз, ўтган йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг қатнашчилари, Тошкентга Покистон делегати бўлиб келган қаламкашларимизнинг бири Файз Аҳмад Фаизнинг ўз юртига қайтиб борганидан кейин маъмурлар томонидан қамаб қўйилганини ва унинг энди бир ойдан кўпроқ вақтдан буён қамоқда ётганлигини билиб, ажабландик ва ғазабландик.

Фаиз — атоқли шоир, Покистон халқи у билан ҳақли равишда фахрланади. Унинг ватанга, ўз халқига ишонч ва оташин муҳаббат билан тўла ёлқинли ва нафис шеърлари кишиларни бахт-саодат учун курашга, ноҳақлик ва зулмга қарши курашга чақиради.

Бизнинг кўпимиз Фаизни 1956 йили Деҳлида бўлиб ўтган Осиё ёзувчилари конференциясида унинг билан бирга қатнашганидан буён билади.

Фаиз ҳам фаол қатнашган ва бу билан икки улуғ қитъа адабиётчилари ўртасида бирдамлик руҳининг мустаҳкамланишига анча кўмаклашган Тошкент конференцияси бизга ана шу ажойиб кишини яна ҳам яқинроқ билишимизга, унинг ижодиёти билан яхшироқ танишувимизга имкон берди. Фаизнинг ўз мамлакатига хитоб қилиб ёзган шеъридаги қуйидаги мисраълар камтарона, аммо қудратли куч билан жаранглайди:

Юртимни ўзгалардек
Севгилим деб атадим,
Унга мен бағишладим
Қалбу ақл, шодлик, ғамим,
Унинг ҳар битта сўзи
Қонун бўлди мен учун,
Машаққатни қуйладим,
Баҳам кўрдим аламин.

Ўз халқини чексиз севган ана шу ватанпарварни, истеъдодли шоирни, кўзга кўринган жамоат арбобини қамоққа ташлаганларига ҳеч бир виждонли киши бефарқ қараб тураолмайди.

Биз, тинчлик ва озодликни қадрловчи барча кишиларни бизнинг норозилигимизга қўшилишга ва Фаизнинг дарҳол озод этилишини талаб қилишга чақирамиз.

Фаиз озод қилинсин!

Ш. Рашидов, И. Абашидзе, М. Авезов, М. Гусейн, Зулфия, К. Маликов, Г. Мусрепов, Б. Полевой, Г. Севунц, Қ. Сейтлиев, К. Симонов, Н. Тихонов.

СССР БИЛАН ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА 1959 ЙИЛДА МАДАНИЙ ВА ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН МУЗОКАРАЛАРГА ДОИР

Москвада СССР билан Польша ўртасида маданий ва илмий ҳамкорликнинг 1959 йилги планини ишлаб чиқиш юзасидан музокаралар олиб борилди.

Самимий ҳамжиҳатлик ва дўстлик вазиятида ўтган шу музокаралар давомида ўтган 1958 йилда СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасида маданий ва илмий алоқалар кенгайганлиги ва мустаҳкамланганлиги таъкидланди. Бу алоқалар ўзаро манфаатдорлик асосида, иккала томоннинг истакларини назарга олиб, совет ва поляк халқларининг қардошларча бирлиги принципларига мувофиқ равишда амалга оширилди.

Музокаралар давомида СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик плани ишлаб чиқилди ва имзоланди. Бу планда маданий ва илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кучайтириш кўзда тутилган. План фан, олий таълим, театр, музика, кино, тасвирий санъат, нашриёт иши, радио ва телевидение, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасидаги маданий алоқаларга доир кўп масалаларни ўз ичига олади.

БАҒДОД ПАКТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ТАМОМ БЎЛДИ

КАРАЧИ, 28 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Бағдод ҳарбий пакти кенгашининг сессияси тамом бўлди. Сессия ишида Туркия бош министри Мендерес, Эрон бош министри Иқбол, Покистон ташқи ишлар министри Қодир, Англия мудофаа министри Сэндис ва АҚШ дан давлат секретари Ўринбосарининг муовини Гендерсон бошлиқ «кузатувчилар делегацияси иштирок этди.

Эълон қилинган ахборотдан маълум бўлишича, расман бу ҳарбий гуруҳнинг қатнашчиси бўлмаган, аммо ҳақиқатда, унда ҳукмронлик волини ўйнаётган Қўшма Штатлар бу сессиядан Туркияни, Эронни ва Покистонни Якин Шарқдаги ўз ҳарбий авантюралари гирдобига янада кўпроқ тортиш учун фойдаланган. Ахборотда, жумладан, бундай дейилади: кенгаш «пакт доирасида ҳарбий ва сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқди, шунингдек НАТО, СЕАТО ва Бағдод блоки ҳарбий пактлари ўртасида «алоқа боғлаш соҳасида муваффақиятга» эришилди, деб таъкидлади.

Шу билан бирга ахборотда Туркия, Эрон ва Покистоннинг миллий экономикасини мустаҳкамлашга қаратилган конкрет таклифлар йўқ. Холбуки бу мамлакатлар зўр бериб қуролланиш натижасида катта иқтисодий ва молиявий кийинчиликларни бошларидан кечирмоқдалар.

Сессия янги урушга тайёргарлик муносабати билан АҚШ ҳамда пакт аъзоларидан Туркия, Эрон ва Покистон ўртасида икки томонлама ҳарбий битимлар тайёрловчи ҳарбий комиссияларнинг ишини мақуллади. Американлик «кузатувчилар»нинг тазъйики остида сессия қатнашчилари мустақил араб давлатларининг ички ишларига очиқора аралашишга йўл қўйиб, Якин Шарқдаги аҳволни, жумладан, Ироқдаги аҳволни муҳокама қилдилар. Бу ерда 1958 йил июль революцияси чиқиб король режимини супуриб ташлаган ва Бағдод блокини Бағдодсиз қолдирган эди.

Кенгаш пакт қатнашчилари бўлган мамлакатларда демократик ҳаракатни бостиришга интилиб, «ҳалқаро коммунизмнинг таъсирига қарши мумкин бўлган ҳамма воситалар билан курашиш» тўғрисида қарор қабул қилди.

ЖАЗОИРДА ҚОНЛИ ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРИЖ, 29 январь. (ТАСС). «Круа» газетасининг хабар беришича, аҳоли яшайдиган Анн-Бессем пункти районида (Омал яқинида) Жазоир миллий озодлик армияси отрядлари билан француз қўшинлари ўртасида кейинги икки кун давом этган катта жанг натижасида жазоирлик қўзғолончилардан 88 киши ўлдирилган.

Француз қўшинларининг талафотлари, одатдагича, кўрсатилмайди.

ТУРКИЯДА СУВ ТОШҚИНИ

ИСТАМБУЛ, 29 январь. (ТАСС). Сурункасига уч кундан ортиқ давом этган кучли ёмғир натижасида Ғарбий ва Жанубий Анатолиянинг кўп районларида сув тошқини бўлиб, анча модий зарар етказди.

«Оқшом» газетасининг хабар беришича, Мерсина районида юзлаб уйларни сув оқизиб кетган. Баъзи районлар ўртасида темир йўл алоқаси тўхтаб қолган.

ИТАЛИЯ ХУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

РИМ, 26 январь. (ТАСС). Италиянинг Фанфан ҳукумати бугун истеъфо берди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Р 01042. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1223.